ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 15-16 (242-243) | 2001 йил 18 апрел, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

ИСТИҚЛОЛ ВА МАҲАЛЛА

Шундай қилиб маҳаллалар мустақил, ҳуқуқий, демократик давлатнинг асосий таянчи бўлиб қолдилар. Бу билан улар халқчил муқобил ўзини ўзи бошқарадиган жамоат органи сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари бажараётган кўпгина вазифаларни адолатли равишда уддалашга қодир эканликларини амалда исбот этдилар. Уларнинг, айниқса аҳолининг маълум табақаларини аниқ йўналтирилган зарур ижтимоий мадад билан таъминлашдаги фидоийликлари ҳаркаанча таҳсинга лойиқдир.

Бу борадаги кенг жамоатчиликнинг манфаатига қаратилган давлат ва ҳукумат фармон ва қарорларини амалга оширишда маҳаллалар катта ташкилий ҳамда амалий тадбирлар ўтказишда бевосита фаол қатнашмоқдалар. Банк-

(Боши аввалги сонда)

ларда, алоқа бўлимларида махсус ҳисоб варақалари орқали, маҳаллаларда тузилган комиссиялар қарорларига ҳамда рўйхатларига мувофиқ камдаромадли, муҳтож ҳар бир оилага қўшимча имтиёзлар яратиш ҳақидаги фармонлар ўз ижобатини топмоқда.

Маҳаллалар, республика "Маҳалла" жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари билан ҳамкорликда, етимесирлар, ногиронлар ва ёлғиз қарияларга қўшимча моддий ва тиббий ёрдам кўрсатишга ҳисса қўшмоқдалар. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини вақти-вақтида ўйинчоқлар, эсдалик совғалари, кийим-кечак билан сийлаб турадилар. Иморатларини таъмирлашга, қулай шароитлар яратишга кўмаклашадилар. Маҳаллалар шундай савобли ишлар билан мунтазам шуғулланиб, ёрдамга муҳтож кишиларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлмоқдалар.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, унинг жойлардаги бўлинмалари ва бўлимлари ташаббуси билан бундай савоб ишлар республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, овул ва маҳаллаларида мунтазам уюштирилмоқда.

Ушбу давлатимиз томонидан инсонга ғамхўрлик қилишга қаратилган ўзбек халқига хос ҳиммат ва саховатни ўз вақтида, адолатли равишда халққа кўрсатмоқдалар. Зеро мозийда илгари бironта давлат ўз фуқаросига давр тақозосидан келиб чиқиб, шунчалик ижтимоий ҳимоя қилмаганини ҳис этган маҳалла фаоллари бу тадбирларни қўллаб-қувватлаб, унга ўз ҳиссаларини қўшишга ҳам кенг жамоатчиликни жалб этмоқдалар. Фикримизнинг далили сифатида юзлаб маҳаллаларнинг фаолиятини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиз халқи тафаккурининг, ижодий ташаббускорлигининг, оқилона ечимининг тарихий маҳсули, фуқаролар ўзини ўзи бошқарувининг ёрқин намунаси, инсонийликнинг, қадриятларимизнинг, миллий мафкурамизнинг, маънавиятимизнинг , барча ҳавас қилса, намуна олса арзийдиган фазилат ва хислатлари мужассам ўз ифодасини топган, тинчлиги, ободончилиги ва озодлиги ҳурфикрлиги, жамият тараққиёти, инсоннинг камол топиши, етук шахс сифатида шаклланишида ҳал қилувчи ўрни, таъсири бўлган, маънавий-маданий тарбия бобида бетакрор дарсхона, доно ота-оналари, устозлари,оқсоқоллари, ҳамкор ҳамфикр, ҳамжиҳат, мурувватли, шафқатли, иймонэътиқодли, диёнатли, ҳалол, иродали, меҳр-оқибатли, адолатли маскан - маҳалла бугун равнақ топмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Бир дунё бойлик

БАХТ БИЛАН УЧРАШУВ

Фиждувоннинг олис Кўкработ қишлоғида Шариф бобо оиласи яшайди. Бу уйнинг иккита қарияси бор: бири - 96 ёшли Шариф бобо Эшматов, иккинчиси - 200 ёшли тут дарахти...

Шариповлар хонадонининг эркатой ўғлони Аҳаджон бир суҳбатда уйидаги тут дарахти ҳақида гапирган эди. Ҳамқишлоқлари уни Турон тути деб номлашган экан. Шу-шу машҳур кекса тутни кўришга қизиқиб қолдим...

Борганимда Шариф бобонинг фарзандлари йиғиладиган кун экан. Бу, одатдаги дам олиш кунларининг бири - якшанба эди. Бирин-кетин ўғил-қиз, невара-келинлар йиғила бошлашди. Негадир бобо безовта, гоҳ-гоҳида дарвоза томонга қараб-қараб қўярдилар.

Бироз вақт ўтгач, Шариф бобомизнинг сабрлари чидамади, ахийри ёрилдилар:

- Соатгинам келолмади-да, айтмовдингларми уни?

- Отажон, ахир уйимизда тўй бўлаётани йўқ-ку, нима деб чақирасиз уни, узоқ йўл бўлса..., - кимдир ўзича тушунтиришга уринди. Бобо жимгина тикилиб қолдилар. Мен чалғитиш ниятида:

(Давоми 2-бетда.)

ҚИБРАЙДА ЯНГИЛИКЛАР КЎП

Тошкент вилояти

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз» байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви маҳаллалар аҳлини бу қарорни бажаришга даъват этиб, Мурожаатнома эълон қилган, маҳаллалараро «Энг обод маҳалла» кўрик-танловини эълон қилган эди.

Республикамизда ўн мингдан ортиқ, жумладан Тошкент вилоятида эса мавжуд 1300 тадан кўпроқ маҳалла фуқаролар йиғини кўрик-танловда ғолиб чиқиш учун ҳаракат қилдилар.

— Бугун мамнуният билан айтишим керакки, — деди Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Шуҳрат Жалилов ғолибга махсус мукофотни топширар экан, - Тошкент вилояти бўйича биринчи ўрин Фурқат маҳалласига насиб этди. Маҳалла оқсоқоли Толиб ака Тўраев бошчилигида маҳаллани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, йўлларни таъмирлаш, зовур ва ариқларни, дам олиш масканларини, қабристонларни тозалаш, дарахт ва гулларни экиб кўкартириш, зарур оилаларга, етим-есирларга меҳр-мурувват кўрсатиш ва бошқа айтиб адо қилиб бўлмайдиган савобли тадбирларни ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатларингиз, фидокорлигингиз, ҳикмат ва саховатингиз, намунали ташаббусларингиз юксак баҳоланди.

Ҳа, вилоят бўйича ғолиб деб Қибрай тумани Қибрай шаҳарчасининг Фурқат маҳалласи эътироф этилди. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг эсдалик нишонини ва Қибрай тумани ҳокими Саидхўжа Тошхўжаев топширган ҳокимлик совғасини қабул қилиб олган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Толиб Тўраев маҳалла аҳолиси ҳашар йўли ҳамда ҳимматлилар ёрдами билан маҳалла ҳудудида амалга оширилган ишларнинг рағбатлантирилиши, ҳамманинг ғайратига-ғайрат, ташаббусига ташаббус қўшиб янгидан-янги бунёдкорлик юмушларига чорлашини билдирди.

МАҲАЛЛА БИНОСИ — БИР ОИЛА ТУҲФАСИ

Фурқат номидаги маҳалладаги тантаналар Усмон Юсупов номли фуқаролар йиғини ҳудудидаги халқ сайлига уланиб кетди.

Бугун, - дейди маҳалла оқсоқоли Ю.Урмакаев, - маҳалламиз ўз девонига, кутубхона ва «Маънавият ва маърифат» марказига эга бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли кинорежисёр Дамир Салимов ва унинг рафиқаси Фарида Салимова ташаббуси ва маблағи ҳисоби билан қад кўтарган ушбу бинони ҳамда обод ҳовлини, улар Юртимиз мустақиллигининг ўн йиллигига совға сифатида маҳалла тасарруфига топширдилар.

- Шу маҳалланинг бир зиёли оиласи сифатида тарих фанлари номзоди, олим Фарида Солиҳовна ҳамда ўзим тўплаган шахсий кутубхонамиздан одамлар баҳраманд бўлишини ўйлаб юрардик. Қарасак, қишлоқда унга муносиб, қулай жойда бўш иморат йўқ. Шунда қурилиш учун Қибрай туман ҳокимиятига мурожаат қилдик, ҳоким керакли ерни ажратиб бердилар. Қисқаси, ҳаракат қилиб, эзгу ниятимизга етдик.

Эндиликда, Салимовлар оиласининг саховатидан нафақат Усмон Юсупов номидаги маҳалла, қўшни қишлоқ аҳолиси ҳам, ўғил-қизлари ҳам фойдаланадиган бўлди.

- Туманимизда Дамир ака сингари, ўзбек халқига хос хотамтойликни, ҳимматни қадрлайдиган оилалар сафи тобора кўпайиб бормоқда, - дейди ҳоким Саидхўжа Тошхўжаев. - Ҳозир Соҳибкор маҳалласига борамиз, у ерда стадион ҳамда теннис ўйингоҳини ҳашар йўли билан қуришмоқчи.

— ОТА-БОБОЛАРИМИЗ БИР МАЙИЗНИ ҚИРҚ БЎЛИБ ЕЙИШГАН —

деб гап бошлади, Соҳибкор маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, Абдукарим ҳожи Тошматов. - Маҳалламиз биноси ҳашар йўли билан битган. Фарзандларимизга спорт билан шуғулланишлари, футбол ўйнашлари учун стадион қуриб ўзим тиклаб бераман, деган ҳимматли маҳалла фуқаролари ҳам чиқиб турипти.

Ҳа, Қибрай тумани маҳаллаларида, ҳар куни бир янгилик бор, бу янгиликлар ҳаммаси яхшиликка хизмат қилади, шубҳасиз.

МУХБИРИМИЗ.

ШУ СОНИНГИЗ

2-саҳифасида:

● Ҳарбий қисмдан «Mahalla»га хат келди...

● Бу аёл жиноят кўчасига ёлғизлиги, бевалиги сабабли адашиб кирди. Аммо осонгина топилаётган пуллар ақлу ҳушини олди. Ўзгалар қайғуси, кўз ёшлари, бахтсизлиги эвазига топилган пулларни ҳаром деб билмади. Шундай йўллар билан топилган пуллар ҳисобидан фарзандларини едирди, кийинтирди. Аммо...

Бугун Карима, унинг ўғли Сардор, ҳайдовчи Ашрафларни (уларнинг исмини ўзгартириб беришга қарор қилдик) жиноят курсиси кутмоқда. Улар ўз қилмишларига яраша жазони олишлари муқаррар...

Бу ҳақда «Тўлов» мақоласида ўқинг.

3-саҳифасида:

● Иллат бегона ўтга ўхшайди: илдизи билан қўпормасанг, кўпаяверади!

● Саволларингизни жавобсиз қолдирмаймиз.

4-саҳифасида:

● Ан-Насафий ўн бешга яқин асар ёзган. Улардан биргинаси Тошкентда Шарқшунослик институтида сақланар экан...

● Туғишгандек меҳрибоним - тутинган акам...

Тошкент шаҳри

СУМАЛАК МЕҲР ТИМСОЛИ

Ҳамза тумани маданият ходимлари ушбу йилда деярли барча маҳаллаларда Наврўз байрамининг муносиб нишонланишида фаол бўлдилар. Яқинда эса туман маданият бўлими ва унга қарашли «Замондош» маданият уйи, туман марказлашган кутубхонаси ходимлари ҳамкорликда сумалак тайёрлашиб, 30-Меҳрибонлик уйига олиб келдилар.

Меҳрибонлик уйи болалари сумалак еб, байрам моҳиятини, халқимизнинг меҳр-оқибатини ҳис қилдилар. Сумалак сузиш байрами «Замондош»нинг «Фарангис» гуруҳи мусиқий туҳфаси билан янада қизиқарли тус олди.

МУХБИРИМИЗ.

Кашкадарё

СЕССИЯОЛДИ УЧРАШУВИ

Касби тумани марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари Акмал Саидов ва Гулом Мирзаевнинг 224-Касби ҳамда 229-Чўлобод сайлов округлари ҳудудидаги ўз сайловчилари билан навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Олий Мажлиснинг бешинчи сессияси арафасида ўтказилган ушбу учрашувда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўтган йилги иш фаолияти, Олий Мажлиснинг бўлажак бешинчи сессияси кун тартибига киритилган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, сессия муҳокамасига қўйилаётган бошқа бир қатор масалалар, шунингдек, Олий Мажлис депутатлари сифатида 2000 йилда амалга оширган ишлари тўғрисида йиғилганларга атрофлича ахборот бердилар. Сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтардилар.

Сўзга чиққанлар Олий Мажлис депутатлари А.Саидов ва Ғ.Мирзаевнинг ўтган йилда қонун ижодкорлиги, амалдаги қонунлар ижросининг назорат-таҳлили, Олий Мажлис қарорларининг тарғибот-ташвиқоти борасида, шунингдек, бевосита ўз сайлов округлари доирасида бажарган ишларининг кўлами, мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида гапирдилар. Учрашув қатнашчилари томонидан ҳар икки депутатнинг 2000 йилги фаолияти бўйича ҳисоботлари маъқулланди.

✦ ТАНҚИД ВА МУНОСАБАТ

2000 йил 2 август.

ЖЎЯЛИ ЖАВОБ ЎРНИГА ЖУМБОҚЛИ ЖАВОБ

Газетада эълон қилинган танқидий, мулоҳазали мақолалар ва мактублар, шунингдек, газетада босилмаган шикоят-мактублари юзасидан одатда шу ҳудудда масъул бўлган идораларнинг жавоби, муносабати сўралади. Ўрни келганда эътироф этиш керакки, бундай мақола ва хатларимизга ўзларининг жўяли жавобларини йўллаб турган мутасаддилар жуда кўп ва таҳририятимиз улардан миннатдор. Аммо баъзи ўринларда...

Газетамизнинг шу йил 7 феврал кунги сонида эълон қилинган «Янгисини қурмай туриб эскисини бузган раис» сарлавҳали мақола юзасидан Каттақўрғон туман ҳокими ўринбосари К.Мизомов имзоси билан жавоб хати олдик.

Жавоб мақола босилгандан сўнг икки ой ўтгач етиб келди. Аслини олганда бу муддат мақола мазмунида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун камлик қилади. Лекин бор-йўғи муносабат билдириш учун анча кўп вақт. Энг қизиғи, анчагина «батафсил» ёзилган бу жавобга ҳадеганда тушунавермайсиз. Бир неча марта ўқигач, эса ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмаганлиги сирини билиб оласиз.

«...Туман ҳудудидаги «Андоқ» жамоа хўжалиги марказида 1992 йил қишлоқ врачлик пункти ишга туширилгач Қўшкўтон маҳалласи ҳудудидаги амбулатория қисқартирилиб, унинг 3 хонали ночор аҳволдаги биноси бўшаб қолган.

1997 йилда амбулатория биноси маҳалла фуқаролар йиғини ихтиёрига берилган. Бинони қайта таъмирлаш имконияти бўлмаганлиги сабабли, маҳалла оқсоқоли Қ.Эшмуродов бошчилигида қишлоқ фуқаролари ҳашар қилиб, бинонинг устки қисми бузиб олинган. Бино эски бўлганлиги сабабли ёғочлари чириб кетганлиги текширув гуруҳи томонидан қайта кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Маҳалла оқсоқоли раҳбарлигида фуқаролар томонидан ҳашар йўли билан 3 хонали, пахсадан бўлган бино тикланди. Эски амбулатория биносидан олинган яроқли қурилиш материалларидан фойдаланиб, ушбу янги бинонинг 2 та хонаси усти ёпилган. Бироқ, имконият бўлмаганлиги сабабли бино қурилиши охирига етказилмай қолган.»

Аслида мақолада ҳам бу гаплар айтилган эди ва бинонинг битмай қолганлигидан нолиш қилганди. Майли, қайтариқ ҳам зарурдир. Аммо жавобнинг ундан кейинги қисмига эътибор берайлик.

«1998 йилда туман ҳокимлиги томонидан Қўшкўтон маҳалласи ихтиёрига шу ҳудудда жойлашган 3 хонали, замонавий услубда қурилган бино берилади. Айнан, ана шу даврдан бошлаб Қўшкўтон маҳалласи фуқаролар йиғини ўзининг бошқарув биносига эга бўлиб, ҳозирга қадар шу бинода фаолият кўрсатиб келмоқда.»

Во ажаб, маҳалла икки йилдан буён шундай имкониятга эга бўлган экан-у, бир нима қилиб маҳалланинг биноси йўқ, дея жар солиб юрибди. Шундай деб ўз мухбиримиздан хафа бўлиб турсак, жавобнинг буёғи ғалати бўлиб чиқди.

«Шунингдек маҳалла фуқаролар йиғини бошқаруви учун ҳашар йўли билан янги бино қурилиши давом эттирилиб, эски амбулатория биносидан олинган яроқли қурилиш материаллари ҳисобидан бинонинг икки хонаси қуриб битказилиб, том қисми ёпилган.»

Хўш, унда яна «Маҳалла... учун ҳашар йўли билан бино қурилиши давом» қилиши нега керак? Эски амбулаториядан олинган қурилиш материаллари қачон тугайди? Кейин ўйлаб қарасак, бу гап ўша мақолада айтилган ва жавобнинг бошида қайтарилган раис чала қолдирган пахса бино ва 2 та хонасининг томи битганлиги ҳақидаги гапи экан. Бунинг устига жавобда ёзилишича, **«Келгусида ушбу бинонинг 2 та хонасига маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари жойлаштирилиши мўлжалланмоқда»** экан.

Ана холос. Битмаган уй хонадонларининг калити кимларнинг чўнтагида юрибди. Маҳалла идораси учун дейилган бино ҳали битмасдан раис, котиб, посбонлар, турли комиссияларни бир хонага тиқишибдики, битгач балки...

Хуллас, бу жавобнинг жумбоқлари кўп. Наҳотки, туман ҳокимлигида тушунарли қилиб, жўяли жавоб ёзиш имконияти йўқ.

ТАҲРИРИЯТ.

«ИККИ АСР ОРАЛИҒИДАГИ ТАШВИШЛАР»

Мазкур мақолада Термиз шаҳридаги санитария ҳолати танқид остига олинган эди.

Мақола мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида шаҳар Ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилди.

Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг бажарилиши шаҳар Ҳокимлигининг тегишли мажмуаси томонидан назоратга олинди.

Ҳозирги кунда шаҳардаги маҳаллалар ҳудудида чиқиндилар учун мўлжалланган 44 та махсус контейнерлар ўрнатилган бўлиб, чиқиндиларни узлуксиз равишда олиб чиқиш учун 8 та махсус жиҳозланган автомашиналар ишламоқда. Шу ойнинг охиригача махсус контейнерлар сонини 60 тагача, жорий йилнинг охиригача эса 100 донагача етказиш режалаштирилган. Бундан ташқари тозалик автокорхонаси ва шаҳардаги автокорхоналардан жалб этилган автотранспорт воситалари ёрдамида кўп вақтлардан буён тўдаланиб ётган чиқиндиларни олиб чиқиш ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Шаҳардаги ободонлаштириш ва тозалик ишларини мувофиқлаштириш мақсадида шаҳар Ҳокимининг қарори билан Термиз шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда бу бошқарманинг асосий вазифаси мақолада кўрсатилган камчиликларга йўл қўймаслик ва шаҳардаги санитария ҳолатини тубдан ўзгартиришга қаратилгандир. Бугунги кунда ушбу бошқарма ходимлари, шаҳардаги мавжуд ташкилот ва корхоналар ҳамда шаҳар аҳолиси, кенг жамоатчилик шаҳардаги тозалик ишларига жалб этилиб, Республикамиз Мустақиллиги байрамини муносиб кутиб олишга сафарбар этилган.

А.ЧОРИЕВ,
Термиз шаҳри Ҳокими.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

● Лондонда араб тилида нашр этиладиган «Аш-Шарқ Ал-Асдат» газетасининг АҚШ маъмуриятининг энергетика соҳасидаги йиллик ҳисоботига асосланиб ёзишича, бензинга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бораркан. Масалан, биргина АҚШнинг ўзи 2020 йилга бориб бир суткада 26 миллион баррел нефть ишлатишни мўлжалламоқда. Ҳолбуки, бу кўрсаттич 2000 йили 20 млн. баррелни ташкил этган эди.

***

● ОПЭКга аъзо бўлган мамлакатлар шу ҳафтадан бошлаб кундалик нефт қазиб чиқаришни бир миллион баррелга камайтиришга қарор қилдилар. Бу тадбир «қора олтин» баҳосини ўзларига маъқул нархда ушлаб туриш мақсадида қилинди.

***

● Европа иттифоқига аъзо бўлган ўнта давлатнинг вакилларидан ташкил топган ҳарбий атташе кеча Душанбега ташриф буюрган. Ушбу делегация бундан бир йил аввал Тожикистон президенти ҳузурида ташкил этилган «Наркотикка қарши кураш агентлиги»нинг иши билан танишиб керакли маслаҳатлар беради. Республикада гиёҳванд моддаларни бошқа давлатларга олиб ўтишни олдини олиш борасида маълум ишлар қилинаётган бўлса ҳам оғу ташиш камаймаянти. Шу йилнинг биринчи чорагида республикада икки тоннага яқин гиёҳванд модда (шунинг ярми героин) мусодара қилинган.

***

● Эронда диндорлар сиёсатини тарғиб қилувчи янги газета «Сиёсати рўз»нинг биринчи сони чиқди. Газета материалларида президент М.Ҳотамий сиёсати танқид қилинган. Куни кеча ёшларнинг «Эрон имрўз» газетаси консерваторларни танқид қилгани учун ёпиб қўйилган эди.

***

● Катта маблағни ўзлаштириш ва коррупцияда гумон қилинаётган Филиппиннинг собиқ президенти Жозеф Эстрада судга чақирганлиги ҳақидаги чақирув қоғозини олганидан бир соатлар ўтгач хотини, фарзанди ва тан қўриқчилари билан маҳкамага етиб келган. Агар суд уни шу ишлар бўйича айбдор деб топса Эстрада умрбод қамоққа ҳукм қилинади. Филиппин қонунлари товон тўлаш эвазига озодликка чиқаришни кўзда тутмайди.

***

● МДҲ давлатлари котиби Юрий Яров Марказий Осиё давлатлари билан мулоқот қилиш мақсадида сафарга чиққан. У Остонада бўлганида Қозоғистон президенти Н.Назарбоев билан учрашганидан кейин мухбирларга ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг навбатдаги саммити шу йилнинг биринчи июнида бўлишини ва унинг кун тартибига долзарб масалалар қўйилганлигини маълум қилди.

***

● Туркиянинг Измир қамоқхоналаридаги очлик эълон қилган маҳбуслардан яна бири ўлган. Шу билан бундан олти ой олдин маҳбусларни бошқа қамоқхонага кўчирилишларига қарши эълон қилинган очлик туфайли ўлганлар 13 кишига етган. Умуман ҳозир мамлакат ҳибсхоналарида 250 га яқин маҳбус очлик эълон қилган.

***

● Буюк британияда қорамоллар орасида тарқалган касаллик туфайли мамлакат иқтисоди жиддий зарар кўрмоқда. Давлат хазинаси туризмнинг ўзидан бир кунда тушадиган уч юз минг доллардан маҳрум бўлмоқда.

***

● НАСА директори Даниэль Голдиннинг таъкидлашича халқаро космик станцияни барпо қилишда Россия АҚШга энг ишончли шерик бўлиши мумкин.

***

● Россия президенти В.Путин билан Москвага қилган расмий ташрифи чоғида учрашган Молдавия президенти В.Воронин иккала давлат ўртасидаги иқтисодий, хўжалик масалалари Днестр бўйининг мақоми тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилган. В.Воронининг фикрича, Днестр бўйи республикасига катта ҳуқуқлар, эркинлик берилиши мумкин. Бироқ у Молдавия таркибида бўлиши шарт.

Хорижий матбуотлар хабарлари асосида Ф.ГОЙИБОВ тайёрлади.

ИСТИҚЛОЛ ВА МАҲАЛЛА

(Боши 1-бетда)

Бинобарин мустақиллик шароитида кучли давлатдан - кучли жамият сари ижтимоий - сиёсий мақсад илгари сурилиши билан ижтимоий - ҳуқуқий муносабатлар такомиллашиб бораётган ҳозирги даврда маҳалла фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Маҳаллаларнинг бурчлари кенгайиб, ваколатлари ортиб бормоқда. Янги талаблар, илгари сурилаётган масъулият қабул қилинажак қонун, фармон, қарор ва бошқа маъмурий-меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топмоғи ҳам қарз, ҳам фарз. Унинг бурч ва ҳуқуқ тоқатини, мувозанатини сақлашдаги хизмати катта бўлиши шубҳасиздир.

Маҳалла - ҳамиша бўлганидек фуқаронинг манфаатлари ҳимоячиси, янги жамиятда адолатли, демократик давлатнинг таянчи сифатида иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг таянчи бўлиб қолаверади, бутун жабҳаларда, жамоа ўртасида кенг қамровли, серқирра, кутилмаган, бетакрор муаммо-масалаларни, фавқулодда туғилган вазият, муҳит чигалларини ечишда, ижобий ҳал этишда бевосита фаол иштирок этаверади.

Бугунги кунда маҳаллалар ватан ичра кичик бир ватан сифатида фаолиятимизнинг ривожланиш жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда яшаб келмоқда.

Маҳалланинг таърифи беадад. Чунки у ҳаёт учун, икки дунё саодати учун нима зарур бўлса ҳаммасини ўзида мужассам этган, уйғун бир макон.

Маҳалла фуқароларнинг хоҳиши, эрки, иродаси, ташаббуси билан ташкил топган, ўз касби, ўз тирикчилиги, ўз турмуш тарзи билан яшаган, аҳлоқ-одоб, юриш-туриш, муомаласи билан обрў-эътибор орттириб, эл назарига тушган, ҳеч қачон амалпараст бўлмаган, эҳтиёж эркини тоқат даражасида ушлаб келган кишини раис-оқсоқол, маслаҳатчи турли соҳалар бўйича тузилган кенгашларга коммисияларга бош этиб сайлаган фаоллар ҳамкорликда ва албатта ҳамиша аҳоли назоратида ўз бурчи вазифасини бажарувчи бевосита ўзини ўзи бошқарувчи демократик жамоат ташкилотидир.

Маҳалла тўғрисида фикр юритганда, албатта, ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллаларнинг ва уларнинг мансабдор шахсларининг жамият ва фуқаролар олдидаги масъуллиги демократик характерга эга эканлигини ҳамиша ёдда тутиш керак. Маҳаллада жамоатнинг ҳукми асосий ҳал этувчи кучга эга бўлади. Маҳаллада - маърифий ҳукм, аҳлоқ-одоб ҳукми ҳар қандай ҳукмдан ўз адолати билан юқори туради. Яъни Конституцияда ва бошқа қонунларда таъкидланганидек маҳаллаларнинг амалий фаолияти инсонпарварлик ижтимоий адолат ва демократик тамойилларга тўла асосланади, жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш асосий мақсадлари ҳисобланади.

Маҳаллаларнинг жамият ишини бошқаришдаги иштироки тобора кенгайиб, жамоат ташкилотларининг ижтимоий хилма-хил ташаббуслари ортиб бормоқда.

Маҳалланинг тарихий жамоа сифатида ўзининг яшаш тарзи мавжуд. Ўзбек маҳаллалари асосан ери-ерига, иморати-иморатига, дарвозаси-дарвозасига туташиб кетган ҳовлиларда бир ва ундан ортиқ оилалар, ака-укалар, қон-қариндошлар, бегона қўшнилар яшайдилар. Улар бир-бирлари билан жуда яқин алоқада бўлишади. Тарихий адабиётларда шартли равишда бир ҳовлининг тўрт томонидан - чап, ўнг, олд ва орқа томонларидан туташ йўналишлардаги қирқтадан бир юз олтмишта ҳамкор, яқин, ҳамфикр, ҳамдард бўлиши айтилади. Шу билан бирга қўшнининг қўшнида миллатидан динидан қатъий назар учта ҳаққи борлиги, уқтирилади. У ҳам бўлса, қўшнининг қўшнида қондош-қариндош, мусулмон, ёки бегона бўлишига қараб - биринчи навбатда асосан учта ҳаққи борлиги айтилади. Масалан, қариндош, диндош, қўшни бўлса, учта ҳаққи борлиги, дини бир бўлса - иккита, яъни диндошлик, қўшничилик ҳаққи борлиги, дини бўлак, ўзи бегона оиладан бўлса - битта, яъни қўшничилик ҳаққи борлиги уқтирилади. Ҳар қандай шароитда ҳам қўшниларнинг ҳамжиҳат, яқин яшашлари талаб қилинади. Халқимиз ўз нақлларида ҳам, "Ҳовли олма, қўшни ол", "Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши", "Бир болага етти қўшни ота-она", "Гилам сотсанг қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан" деб даъват қилиб яшайди.

Ҳозирги меъёрий ҳужжатларга кўра маҳаллада камида500 оила бўлиши мўлжалланган.

Маҳалла - ана шундай оилалар аҳил яшайдиган катта оила жамоадир.

Ўз ишини, ҳуқуқларини, масъулият ва бурчини яхши билган маҳалла раиси-оқсоқоли, халқ манфаати йўлида собит қадам бўлиш билан бирга жамоатчилик фикрини ўргатиш орқали жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришга бебаҳо ҳисса қўшиб фаолият кўрсатади. Маҳалла жамоатчилик фикрининг маънавий асослари чуқур инсоний мазмун билан бойитилиб боришига ёрдам беради. Халқимиз, айниқса ёшлар маънавий дунёсини бойитиш, улар қалбини эзгулик зиёси, маърифат, адлу адолат, инсофу диёнат нури билан мунаввар этиш маҳалла ва унинг оқсоқолининг муқаддас бурчидир. Шундай - маҳалла ижтимоий макон. Унинг ҳамиша жамоатчилик ва ҳамкорлик руҳи мавжуд бўлишини таъминлаш вожибдир. Маҳалланинг моҳияти шундайки, унда демократик асосда инсон ва жамият фаолиятига доир энг муҳим масалалар, жамоат ишларида фуқароларнинг фаоллиги, ўзликни англаш омилларини юксалтириш, ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклларини такомиллаштириш ва шу асосда соғлом жамиятни шакллантириш вужудга келади.

Жамиятимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида атрофмуҳит ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, турли оқимларга мансуб террорчиларга қарши кураш борасида хушёр туриш, аҳоли яшаш жойларида огоҳликни йўлга қўйиш ҳаёт тақозосидир.

Шунингдек, маҳалла оқсоқоли бошчилигида, жамоатчи фаоллари бозор муносабатларини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш билан боғлиқ бўлган жуда кўп юмушларни, шу йўлдаги режаларни юзага чиқариш устида ишлаши зарур.

Мамлакатимизда барча жабҳаларда кўп қиррали ислоҳотлар амалга оширилаётган, "XXI аср маҳалласи концепцияси"да кўзда тутилган кенг қамровли вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш ишлаб чиқилаётган, режалари, дастурлари устивор йўналишлари аниқ белгиланаётган ҳозирги пайтда маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари вазифасига сайловларга тайёргарлик борар экан, юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш керакки, олий мақсад адолатли, фуқаролик жамияти, соғлом турмуш тарзи қарор топиши кўп жиҳатдан саркорларга боғлиқ эканлигини ҳар томонлама ҳисобга олиб пухта ўйлаб иш тутиш лозим.

Зеро, бунинг учун қонун ҳам, демократик сайлов тизими ҳам барча имкониятларни яратиб берган. Фақат, қонунларга, демократик тамойилларнинг беғараз, тўла, жаҳон жамоат ташкилотлари андозалари даражасида риоя қилинишига, назоратни қаттиқ, тўғри ўрнатилишига ғоят катта эътибор бериш керак.

Расул РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

(Давоми бор.)

Қилмиш

ТЎЛОВ

Воқеий ҳикоя

Чақалоқ туғилди...

- Вой тилгинангиздан айланай.. Келинг, бир қучоқлаб олай... Кела қолинг энди, қоқиндиқ...

- Қувонишга...

- Э, бўлмасам-чи... шундан шунга келаману, қуруқ келаманми-я... Албатта атаганим бор, ўргилай... Мана, мана, олинг суюнчи... Олаверинг... Вой, бунча бўшашасиз, Шафоатхон, олсангизчи пулни. Қўрқманг... таомилда бор гап бу.

Шафоатхон деганларининг рангида қон йўқ. У шодлигидан бетиним гапираётган аёлга тикилганча кафтини кафтига босиб турарди. Аёл уни тушунмади. Пул сўраяпти, деб ўйлади. Дарров бир даста юзталикни дўхтирнинг халати чўнтагига тиқди. Дўхтир орқага тисарилди. Пулнинг ярми ерга тушди. Шунда аёл лорсиллаганча энгашиб пулларни тера солди-ю, яна дўхтирнинг чўнтагига урди. Шунда Шафоатхон қизариб кетди.

- Қўйинг... керакмас. Пул олишга арзийдиган иш бўлгани йўқ...

- Вой, нега унақа дейсиз... Билсангиз, неваралик бўлишни неча йилдан бери кутардим.

- Суюнчига арзимайди... - Шафоатхон аёлдан кўзларини олиб қочди.- Бола... бола майиб туғилган...

- Нима, нима?.. Нега майиб туғилади? Адашмаяпсизми, Шафоатхон?

- Йўқ... сира адашмаяпман. Ўғлингизни ҳам яхши танийман. иннанкейин... иннайнкейин...

- Нима, иннанкейин... Чайналмасангиз-чи...

- Неварангизнинг боши сал япасқи...

- Бўлди... бўлди... бас.. ортиқча эшитишни хоҳламайман... хоҳламайман...

- Карима опа, сизга нима бўлди? ўзингизни қўлга олинг... Карима опа...

Аёл гурс этиб ерга йиқилди. У ҳушидан кетганди.

***

Дастлаб оппоқ шифт кўзга ташланди... кейин кўзойнакли, юзлари чўзинчоқроқ катта ёшдаги бир киши кўринди. Унинг юзлари танишдай туюлди. Эслолмади. Эгнида оқ халат, бошида қалпоқ. У аёлнинг билак томирини ушлаб кўриб, ёнидаги аёлга бир нималар деди. Бемор эшитмади. Ҳамшира қўшимча укол қилганидан кейингина унинг ранги очилди.

- Сизлар кимсизлар? Мен... қаердаман?

- Касалхоналасиз, ётаверинг. Ташвишланманг, Карима опа, сира ташвишлана кўрманг...

Карима опа секин уҳ тортиб қўйди. Уни нега бу ерга олиб келдилар? Сабаб? Наҳотки бирон фалокат рўй берган бўлса? Наҳотки.. Худойим... Карима опа касалхонага қандай тушиб қолганини сира тушунолмади. Ахир назарида кечагина, йўқ, йўқ, ҳалигина туғруқхонала келинини кўзи ёриганига дўхтирларга суюнчи пули бераётганди-ку! Ақли етмади. Биронтасидан сўрай деса, дўхтирлар чиқиб кетишган. Бурчак-бурчаклардаги ўз каравотларида ётган хотинлар эса ухлашган. Пешин пайтимикан ё кечасими — билиб бўлмайди. Худойим... нималар бўляпти ўзи? Туппа-тузук юрган одам бирдан ётиб қолса-я... Тағин эси оғиб қолган бўлмасин.

***

«ГАЗ-21» русумидаги оқ ранг «Волга» тоғли қишлоқларнинг овлоқ йўллари оралаб борарди. Тун. Ғир-ғир эса бошлаган шамолга қарамасдан кун-бўйи қизирган қуёшнинг тафти ҳали кетмаган.

Ҳайдовчи ёнида - олд ўриндиқда ўтирган аёлнинг нигоҳида хавотирли ифода. Ботбот ҳайдовчига қараб-қараб қўяди. Кейин қишлоқнинг баланд-паст йўллари, пастқам, томсувоқли уйлардан кўз узмайди. Бу томонларда қолиб кетишдан худонинг ўзи асрасин. Қоронғулик демаса, тун узоқ, йўл юришга жуда қулай. Фақат ҳайдовчи эпчил, тажрибали бўлиши керак. Агар ҳайдовчи лапашанг бўлса... урди худо...

«Волга»нинг эгаси уста бўлиб кетган. У ёши қирққа чиққанда айни бошқаларни қирқадиган, миқ этмасдан ўз ишини ўхшатиб кетадиганлар хилидан. Митти кўзларини йўлдан узмайди. Аёлнинг кўнгли эса ҳадикда.

- Ашраф, етиб борармикинмиз? А, нима деб ўйлайсан?

- Етиб борамиз... - таскин берди ҳайдовчи, - хавотир қилманг. Яхшиси кўзингизни юмингу, ухланг. Ҳали олдинда олди-соттилар бор-а... Тағин пул саноётганда чалғиб кетманг...

- Шу пайтда уйқуга бало борми? Негадир кўнглим ғаш. «Товар»нинг эгаси кетиб қолмасмикин?

- Кетиб қолса, ундан нарига... - чимирилиб қўйди Ашраф. - Опа, қизиқсиз-а... худди биринчи марта бозорга чиққан хотинларга ўхшайсиз. Ё тавбаей... Кетса кетаверсин... Нима, «товар» янги соғилган сутмидики айниб қолса... Унисиям бўлмаса, бошқаси... Ҳозир айни ҳосил пишиб етилган вақти. Ўшаларнинг биридан оламизу кетамиз.

- Эсинг жойидами? - чимирилди хотин астойдил жаҳл аралаш. - Бунақа ишлар билан ўйнашиб бўларканми?

- Жаҳлиз тез-да, опа. Поччамниям шунақа силтаб ташлармидингиз?

- Поччангни йўриғи бошқа... у пиёниста эди... пиёнисталигича ўлиб кетди. Йўлингга қара, уриб оласан, - хотин олдиндан кўз узмаганча хаёлга толди.

***

Тоғ одами пишиқ экан. Ўтовдан чиқиб кетганча анчагача йўқ бўлиб кетди. Эҳтимол, улардан чўчигандир. Эркак ва аёлни ўтказиб қўйиб, ўзи аллақайларгача бориб текшириб келгандир. Ҳар ҳолда эҳтиёт бўлиш керак-да. Ахир бирдан босиб келиб қолса - қочгани жой тополмай қолмасин. Ўтовдаги савдо узоқ чўзилди. Чўққи соқолли, юзи қотма киши анчагача чулдиради, ўзича хиргойи қилиб қўядими-ей, пул санаётганларида айёрона кўз қисиб қулади ҳам. Нега шундай қилади - Ашраф ҳам, хотин ҳам ҳайрон. «Хирингламай, ўл! - ичида қарғаб қўйди хотин. - Ҳойнаҳой мендан қулаётгандирсан. Биров экади, бошқаси ўради, мен эса сотаман. Нима ишинг бор. Тирикчилик», - хотин кўнглидан шу тахлит фикрни ўтказди.

Олди-сотди тугагач, у Ашраф билан бир қоп ёнғоқни кўтаришиб машинага ортишди. Ўтов эгаси эшакка миниб тоғлар орасида ғойиб бўлди.

***

Бу хотин Карианинг ёшлигига сира ўхшамайди. Ёшлигида ҳам хипча бел, бўрсилдоқ юзу момиқ билакли эди. Эри борида қатирмочга ўхшаб қолганди. Қора қуюқ сочлари анча тўкилди, қуралай кўзларида сўниқ ифода. Ҳеч бир гуноҳ жазосиз қолмас: кунда ичиб келиб, уйни бошига кўтарадиган араққўр эрни кунларнинг бирида машина уриб кетди-ю, маҳалла ҳам, қавм- қариндошлару уй ичи ҳам тинчиди-қолди. Бундан тавба дейиш керак.

Карима бир куни қизлигидаги дугоналаридан бири - бозорчи хотин олдига борди. Эҳ-ҳе, бозорда тап кўп экану, билмай юрган экан-да. Уни йўлга солган ўша хотин бўлди. Карима ўша дугонаси билан орада қўшни республика бозорларига, ҳатто Хитойга ҳам бориб келди. Лекин «бизнеси» яхши юришмади.

Ўшанда дугонаси Хатира йўл-йўриқ кўрсатди.

- Ўзингга эҳтиёт бўл. Тағин билагингдан «сб» қўйма. Кейин қутулолмай юрасан. Сотсанг сотгу, аммо ўзингга яқинлаштирма.

Ё героин, ё наша... Хуллас бундай нарсалардан қанчадан-қанча пул ишлаб олиш мумкинлигини ҳисоблаб чиқишди. «Эплолмасанг, бу ишга аралашма!» - дугонасининг охирги гапи шу бўлди. «- Бу кўчага кирганлар учун орсага йўл йўқ».

Олдинига туппа-тузук, соғ йигитларнинг бу «ажал уруғи»ни қидириб келишларига ҳайрон бўлиб, ўзидан-ўзи нафратланиб юрди. Бора-бора эса парвойи фалак бўла борди: «Бегоналар билан нима ишим бор. Чаккиси, ичкиси, сўргиси кептими пулини тўласину билганини қилсин. Менинг ишим сотиш, қолгани қизиқтирмайди».

***

- Хайрият-ей... - кўкрагига туфлаб қўйди Карима. - Етиб келдикми?..

- Келдик, келдик... опажон... худо хоҳласа келдик, - Ашраф илжайди, - юракданам бор-да... Поччамгаям тоза қийин бўлганаканда-а?.. Ҳо-ҳо...ҳо...

- Кулмай қўя қол... поччангнинг йўриғи бошқа, девдимку... сен намунча поччангни сўроқлаб қолдинг-а...

- Ҳа, энди... мабодо сизга битта-яримтаси ошиқ бўлиб қолмаганми, дейман-да...

- Ҳе, сени ер ютсин-а... Қаёқдаги гапларни гапирасан. Ёши элликка қараб кетаётган хотинни биров бошига урармиди?

- Бошига урмайди-ю, лекин... тағин айтаман-да...

- Ҳадемай неваралик бўламан. Ўшанда қизиқчилик қиларсан. Ҳозир ҳов анави муюлишдан ўнгга бурил.

«Волга» айтилган тор кўчадан ўнгга бурилиб, ўйдим-чуқур кўчалар бўйлаб юриб кетди.

«Чекаман деганлар чекаверсин. Сўрадилар - топиб бердик», - Кариманинг топиб олган гапи шу. Баъзида Ашраф атайин хотинининг жиғига тегиш учун «мабодо дейман-да» - дея қистирма қилса, шундай жавоб қайтарарди. Лекин кўнглининг бир четида «сиз қора дори, героин, наша сотиш билан шуғулланиб бошқаларни заҳарлаяпсиз. Агар шунга ўғлингиз ёки қизларингизнинг бирортаси ўралашиб қолса, нима қилардингиз?» - деган саволни туярдию, ичидан зил кетганча газабланиб, «бошини уриб ёраман» - дерди. Ҳа, бошни уриб ёриш осон-у... аммо...

***

Карима ана шуларни ўйларди. ўтмишга айланган яқин-яқинлардаги воқеаларни кўз олдига келтирди. Ҳа, киши хасталикка чалингандагина унинг сабабларини қидираркан. Унгача...

У бир кунда ўзини олдириб қўйибди. Кечаги қоп-қора сочлари энди оппоқ. Улар орасидаги сийрак қора толалар хунук кўринади. Гўштдор таранг юзлар энди сўлғин, буришган. Пешанада ажин. Йўғон билаклар мажолсиз осилиб турибди. Оёқларда дармон йўқ. Ё тавба! Бир кунда-я!

- Карима опа, энди уйингизга бориб даволанинг. Буёғи қўрқинчли эмас.

- Неварам... неварам-чи... Унгаям жавобми?

- Йўқ, - бош чайқади дўхтир. - Уни олиб қолишади. Уч-тўрт кундан кейин келинингизга ҳам жавоб беришади. Ҳозирча сиз бораверинг.

- Нега... нега келиним... неварам?..

- Ҳа, шундоқ экан... - доктор бош чайқади яна. — Худо бераридан қисмасин. Фақат...

- Нима «фақат»? Бунча мени қийнайсиз дўхтир? Очиғини гапиринг? Нега неварам бунақа туғилди?

- Ўғлингизга айтиб қўйинг, келин билан муомала қилишдан олдин ўзини даволатиб олсин. Шунда ўзига ҳам, туғиладиган боласига ҳам яхши бўлади.

Карима ўтирган жойида докторга қараб анграйиб қолди. Нима гаплигига ҳеч тушунолмасди. Бошқаларнинг боласи етти мучали соғ туғилганда, унинг невараси нега бундай туғилади?.. Ё тавба! Кўнглида «Ўғлимдан невара кўрсам, юртга ош бераман»- деб юрарди. Энди қавму қариндошлар, қудалари, таниш-билишлари нима дейишади. У ёғи нима бўлади?

- Дўхтир, нима ўғлим касал эканми?

Ҳа, у... у нашаванд экан... - доктор шундай деди-ю, палатадан чиқиб кетди.

Карима яна ҳушидан кетди...

Қодир СУЛАЙМОН.

Аскардан салом!

«MAHALLA»НИ ТАСОДИФАН ЎҚИБ ҚОЛДИМ

Ҳурматли «Mahalla» газетаси ходимлари. Мен сизларнинг газетангизни тасодифан ўқиб қолдим. Бизнинг қисмимизга уни ота-оналар олиб келишган экан. Аввал бундай газета борлиги ҳақида билмас эдим. Ўқидиму, маҳалла корига ярайдиган, унинг дарди ва қувончи билан яшайдиган шундай нашр борлигидан хурсанд бўлдим.

Яқинда бизнинг ҳарбий қисмимизда туман маҳаллалари посбонларининг беллашуви бўлиб ўтди. Унда туман босқичида қатнашиш имкониятига эга бўлган 10 нафар посбон беллашдилар. Беллашув шартлари турли босқичдан яъни югуриш, тўсиқлар оша югуриш, турникда тортилиш, 100 метрга югуриш ва посбонлар фаолиятига оид назарий саволлардан иборат эди. Беллашув аскарларимизда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Кўпчилик ҳарбий хизматдан сўнг ўз маҳалламизда посбон бўлиб ишлаймиз, деб тилак билдиришди.

А.НОРАЛИЕВ.

Наманган

ҲОКИМ ҲИСОБ БЕРДИ

Наманган вилоят ва шаҳар, туман ҳокимлари маҳаллаларда амалга оширилган ишлар бўйича фуқаролар йиғинлари олдида ҳисоб беришлари анъанага айланиб қолган.

Яқинда вилоят ҳокими, Республика Олий Мажлиси депутати Т.Жабборов Наманган шаҳар ва Давлатобод тумани маҳаллалари вакиллари билан учрашувда 2000 йил ва жорий йилнинг ўтган ойларида вилоятда ҳамда Наманган шаҳрида ижтимоий, иқтисодий масалалар бўйича амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида ахборот берди.

У ўз сўзида Наманган шаҳрида қўлга киритилган ютуқларда маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг муносиб ҳиссалари борлигини қайд қилиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ҳокими 2001 йил давомида бажарилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида батафсил тўхталди ва бу ишларда маҳаллаларни фаол иштирок этишга чақирди.

Мирзо РАҲИМ.

Тошкент вилояти

РАИС САЙЛАНДИ

Тошкент вилояти Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Пленум кун тартибида вилоят маҳаллаларида ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, ёшларни диний ақидапарастлик иллатидан сақлаш борасидаги бажарилаётган ва бажарилиши керак бўлган тадбирлар ҳамда вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раисини сайлаш масалалари кўриб чиқилди.

Пленум иштирокчилари биринчи масала юзасидан ўзаро тажриба алмашдилар ва олдиндаги вазифаларни белгилаб олдилар.

Вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси этиб Тўлқин Миркомилов сайланди.

МУХБИРИМИЗ.

Диққат, радиотанлов:

«МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАР ВАТАН!»

Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликда юртимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб республика маҳаллалари ўртасида «Маҳалладан бошланар Ватан» мавзусида радиотанлов эълон қиладилар.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бўлим ва бўлинмалари томонидан радиотанловнинг белгиланган шартларига биноан ташкилий ишлари бошлаб юборилган.

Радиотанловга тақдим этилган асарлар қандай шаклда яратилгани ва ҳажмидан қатъий назар Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Маориф ва тарбия» бош муҳаррияти эшиттиришлари орқали ёритиб борилади.

Радиотанлов ғолиблари Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами арафасида аниқланади. Қатнашчиларга ёши, касби, жинси, яшаш манзилига кўра чекловлар қўйилмайди. Ғолиблар I, II ва III ўринлар учун махсус мукофотга ёки бешта рағбатлантирувчи мукофот совринларидан бирига сазовор бўлишлари мумкин.

Шунингдек, радиотанлов ғолибларини Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси Фахрий Ёрлиқлари ва кўплаб ҳомийларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари кутмоқда.

ҚИЗИМ ОЛАМНИ КЎРДИ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида Ногирон болалар соғлиғини қайта тиклаш, бирлаштириш клубининг очилгани ҳали кўп бўлгани йўқ. Нодавлат, нотижорат жамоат ташкилоти сифатида рўйхатдан ўтган бу клуб хайриялар ҳисобидан ногирон болаларга тиббий хизмат кўрсатади. Бугунги кунда клубнинг Самарқанд шаҳрида, пойтахтнинг Шайхонтоҳур, Миробод, Яккасарой, Сирғали туманларида ҳам бўлинмалари очилган.

Қизим Муҳамадиева Фидоиянинг кўзи узоқни кўрмасди. Унга мос кўзойнак олишга оиламиз ожизлик қилди. Шунда бизга ана шу клубга мурожаат этишни маслаҳат беришди. У ернинг мутахассислари қизимни тиббий кўриқдан ўтказибгина қолмай, нархи 150000 сўмлик кўзойнак тақдим этишди. Қизигинам Б.М.Линнинг каби қўли енгил ҳакимларнинг захматлари туфайли тиниқ, мусаффо осмонимизни, юлдузларни, гулларни, умуман, ёруғ оламни кўрмоқда, рангларни фарқламоқда.

МУҲАМАДИЕВлар оиласи.

Яхшилар ёдди

ХИЗМАТИ СИНГАН ЭДИ

Агар йўлингиз Нарпай туманидаги Таниш қишлоғига тушиб, бу ердаги табаррук инсонлар тўғрисида суриштирсангиз энг аввало, Саъдин Рўзиев номини фахр-ифтихор билан тилга олишганининг гувоҳи бўласиз. Ҳа, яхши инсондан яхши ном қолади. Асли деҳқон фарзанди бўлган Саъдин ака қишлоқ фуқаролар кенгаши котиби, раис ўринбосари, тумандаги «Иттифоқ», «Ўзбекистон» ва Сирдарё вилоятидаги Гулистон жамоа хўжаликлари раиси бўлди. Ўша оғир ва беомон уруш йиллари туман ижроқўм раиси, райком партия биринчи котиби, МТС директори лавозимларида ишлади.

Саъдин ака ҳақида маҳалладошлари қуйидагича фикр билдиришди.

- Баъзи бир кишилар раҳбарлик курсисига ўтиргач ўзини йўқотиб қўядилар, - дейди меҳнат фахрийси Ҳасан Суюнов. - Марҳум Саъдин ака бундайлар тоифасига кирмайди. Эсимда Саъдин ака МТС директори эдилар, Бир куни Самарқандга, ўқишга борасан дедилар. Пул, озиқ-овқат йўқ дегандим, улар сен ўқи, ёрдам мендан дедилар. Раҳматлик, гўрлари нурга тўлгур, сўзларининг устидан чиқдилар. Уларнинг ёрдами билан ҳунарли бўлдим.

- Саъдин ака «Ўзбекистон» (собиқ Калинин номли) жамоа хўжалиги раиси бўлганларида қишлоқни ободонлаштиришга катта эътибор бердилар, - дейди уруш қатнашчиси Йўлдош Фатхуллаев. - туманда биринчи бўлиб хўжалигимизга, электр симлари тортилди, электр тегирмони қурилди, кўпчилик хонадонларга телефон ўрнатилди, радиоузел ишлай бошлади. Пахта ҳосилдорлиги кўтарилиб, гектаридан муттасил 30-32 центнердан ҳосил етиштириб келинди. Буларнинг барига Саъдин аканинг оқилона иш тутиши туфайли эришилди.

- Раислик йиллари хўжаликда пахта, ғалла ва чорва маҳсулотлари етиштириш кўпайган. Қишлоғимиз ободонлашиб, аҳоли турмуши яхшиланган.

Марҳум Саъдин ака Рўзиев тўғрисида Таништа қишлоғидаги кўпгина кишилар илиқ сўзларни билдиришди. Бироқ элу юрт учун хизмати сингган инсон номи абадийлаштирилмаган. Туман мутасаддилари бу ишга қўл урсалар нур устига нур бўларди.

Холхўжа МИРЗАЕВ,
журналист.

Оқсоқол ўгити

ЁМОН ИЛЛАТ ҲАМ ЮҚУМЛИ

Ўғилларим ҳовлидаги кафтдек ерга экилган помидор ва бодринг кўчатларини ҳафсала билан бегона ўтдан тозалашар, ҳали тозалаб улгурмаган жойларда яккам-дуккам бегона ўтлар кам бўлсада кўзга ҳунук ташланиб турарди.

- Дада, - дейди Хуршид - помидор, бодринг уруғларини экиб ўстириш қанча қийин, булар ўз-ўзидан кўкараверар эканда-а?

Табиат ва жамият нақадар ўхшаш. Инсон қалбида эзгу фазилатларни шакллантириш учун бутун жамоатчилик интиладию, лекин ёмон иллатлар бегона ўтдек ўз-ўзидан «кўкарганини» сезмай қоласан киши.

Ушбу мулоҳазаларимни қоғозга тушираp эканман, на бирорни айблаш ва на жамиятни иқтисодий ёки сиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш фикридан мутлақо йироқман.

Тўғри, мустақил мамлакатимиз эндигина ўн ёшга қадам қўйди. Қийинчиликларимиз, муаммоларимиз талайгина. Лекин меҳр-оқибатли, саховатли халқимиз бундан юз карра оғирроқ кунларни кўрмаганми? «Бир майизни қирқ киши бўлиб ейди» деган ибора ўша замонлардан қолган. Шу кеча-кундузда юртимиздаги тинчликка, барқарорликка шукроналар қилиб, келажакка ишонч билан қараб яшаётганлар, атрофимиздаги айрим мамлакатларда рўй бераётган хунрезликларни кўриб, «Эй Худо, Юртбошимизни ва мамлакатимизни ёмон кўзлардан асра» деб дуо қилувчилар сон мингта. Хўш шундай экан ёмон иллатларнинг пайдо бўлиш сабаби нимада?

Менимча, бунинг сабабини мастабидлик даврида айрим кишиларнинг қон-қонига сингиб улгурган худбинлик, мунофиқлик, тамагирлик, қаллоблик каби салбий хусусиятлардан қидиришимиз керак.

Шу ўринда турғунлик йилларида содир бўлган кулгили бир воқеа эсимга тушди.

Жамоа марказида ҳашар борарди. Ҳашарда иштирок этаётган жамоа бош қоравулининг ўғли отаси ёнига шошиб келиб:

- Ота, жамоа раиси боққа кирган қўйларни сўйиб ҳашарчиларга пишириб беринглар деб ошхонага бериб юборди - деди.

Қоравул: - Раҳмат раиста. Яхши жазо бўлибди, йўқса кўчатларни еб битиради бу қаровсиз қўйлар, - дея - мамнун кетмоқчи бўлди.

Ўғли эса ҳовлиқиб: - Ахир қўйлар ўзимизники эди - дейиши билан қоравулнинг авзойи ўзгарди:

- Нима!!! Нега индамадинг ландовур. Ким ҳуқуқ берган раисга камбағал бир кишининг қўйини сўйдиришга. Адолат борми?

Йиқилиб-сурилиб ошхона томонга чопиб қоравул.

«Ерни сув бузади-одамни одам» дейди доно халқимиз. Қайси куни йўловчилар тирбанд автобусда бир турқи совуқ нусха « - Ҳамма нарса қимматлашиб кетганлигини», замон «бузулиб» бораётганлиги, қайсидир чет эл радиоэшиттиришида эшитган Ўзбекистонга нисбатан бўҳтон тошларни қайда «ваъз» айта бошлади. Шунда кўпни кўрган кишилардан бири «Ўлим ёмон кунларни биз кўрганмиз. Бу ҳукуматимизга раҳмат айтса арзийди. Илгари замон бўлганда шу гапинг учун бўлганингча бўлардинг. Одамлар кунжара еган замонлар бўлганди» деди. Кўпчилик қарияннинг фикрига қўшилди «ваъзхон» қўл силтаб тилини тийишга мажбур бўлди. Бундаку «кўпни кўрганлар» бор экан, сухбатдошларнинг барчаси «дунё кўрмаган» ёшлардан иборат бўлсачи...

«...айтинг «Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан, барча инсонларнинг Подшоҳидан, барча инсонларнинг илоҳидан ўзи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган, яшириниб оладиган васвасачи (шайтон)нинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман» дейилади Қуръони Каримнинг 114-Ан-Нос сурасида.

Баъзан ўйлаб қоласан киши: мустабидлик даврида қатағон қилинган урф-одатларимиз, диний қадриятларимизни тиклаш учун озмунча ишлар қилиндими. Қўпол бўлса ҳам «Эшак семирса эгасини тепади» деганларидек, баъзи бир ота-боболаримиз ардоқлаб келган Ҳанафийлик мазҳаби қолиб «Ваҳҳобийлик», «Хизбут таҳрир» сингари диний-экстремистик оқимларга берилиб кетишига ким айбдор? Мазкур экстремистик оқимларнинг террорчилик ҳаракатлари натижасида қанча-қанча ота-оналар фарзанд доғида зор қақшади.

- Деҳқон бозорининг дон ва сабзавотлар ортилган уловлар киради ган дарвозасида туриб олган 17-18 ёшлар чамасидаги йигитча маҳсулот олиб кирувчилардан ва чиқиб кетаётган уловлардан пул талаб қилади. На нарх ҳақида ҳужжат, на патта бор. Ўзича нарх белгилайди. Сўрасангиз огзидан боди кириб-шоди чиқади. Обрўсидан қўрққан катта ёшдагилар тортишишни эп билмай тўлаб кетишмоқда. Асл паттачини суриштирсангиз йигитчанинг отаси ёки амакиси бўлиб чиқади. Ана сизга «тарбия».

Бир куни уйга қайтиб эндигина дам олмоқчи бўлиб турганимда эшик шиддат билан тақиллади. Чиқсам, бир хотин. 10 яшар ўғли томга чиқиб олиб на унинг, на отасининг айтганига кўнмай қочиб юрганмиш. Ёрдам сўраб келибди. Гувоҳи бўлганман: худди шу ота-она ўғлига танбеҳ берган кишининг «онасини учкўргонган» кўрсатарди. Мана оқибати!

Раста устига писта, остига эса сигарет ва спиртли ичимликлар қўйиб учраш хуфия пуллашни болаларига топширган қўйган ота-оналардан «Орзунгиз нима» деб сўрасангиз: албатта «Болам одам бўлса...» деб жавоб қайтаришларига имоним комил. Лекин ўзлари турган «шох»га болта урaётганликларини қани эди улар тушунишса?!

Болам деб урасан кўлда
кетмонинг,
Боланг чун очиқдир
ёнда кармонинг,
Чекмасин десанг гар:
- фарзандим озор,
Ёмон иллатларни юқтирма
зинҳор.

Зикрилла ОХУН,
Қашқадарё вилояти, Косон тумани Лолазор маҳалласи оқсоқоли.

МУРУВВАТДАН ДИЛЛАР ШОД

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳар йили юртимизнинг улуғ байрамлари олдидан Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган кўнгли ярим, қалби ўксик болажонлар ҳолидан хабар олиб, уларга байрам совғалари улашишни ўзларига анъана қилиб олишган.

Бу йил ҳам ушбу анъанани канда қилмаган ҳолда улуғ айём — Наврўз байрами кунларида Қорақалпоғистон Республикаси Ҳамза номидаги 1-меҳрибонлик уйи ҳисоб рақамига сўм пул ва кийим-кечаклар совға қилдилар.

Худди шундай мурувватдан Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри 27-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам баҳраманд бўлдилар. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ҳар бирига ўзига мос ўлчовда оёқ кийимлари, кийим-кечаклар жами 500 минг сўмлик совға-салом улашдилар Шунингдек бундай совғаларни бошқа Меҳрибонлик уйлари ҳам қабул олишди.

О.БЕГАЛИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ

Ёшим 53 да. 6 нафар фарзанд тарбиялаганман. 5 йиллик иш стажим бор. 1980 йилдан - 1996 йилгача яъни ўн олти йил хаста онамга қараб ишлай олмадим. Пенсия олишга ҳуқуқим борми?

М.ХОЖИЕВА
Наманган

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни, 12-моддаси, «д» бандига асосан, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қариндошга қараб турилган вақт давлат муассасининг хулосаси бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳақиқатдан ҳам сиз онангизни 80 ёшларидан бошлаб, давлаш муассасасининг хулосаси билан 96 ёшларигача, яъни ўн олти йил парваришлаган бўлсангиз ва 5 йил иш стажига эга бўлсангиз, пенсия олишга ҳақлисиз.

* * *

Турмуш ўртоғим билан ажрашганман. 2 нафар фарзандим воьга етди. Отаси ўғилларига алимент тўлаб келган. Фарзандларимнинг ворислик ҳуқуқи бўладими?

А.Исаева
Фарғона

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1116-моддасига асосан, мерос фуқаронинг ўлиши ёки унинг суд томонидан вафот этган, деб эълон қилиниши оқибатида очилади. Ф.Кодексининг 1118-моддасига асосан эса, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқароларнинг, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган, мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Васият бўйича фуқаролар ўзининг мулкини хоҳлаган қисмини хоҳлаган кишига ёки давлатга васият қилиши мумкин. Агар фарзандларнинг отаси вафот этган бўлиб, васият бўлмаса, Фуқаролик Кодексининг 1135 моддасига асосан мерос қолдирувчининг болалари ҳам қонун бўйича ворислик ҳуқуқига эга.

* * *

Ишсизлик нафақасини тўлаш шартлари ва муддатлари ҳақида маълумот берсаларингиз.

З.ШЕРБОЕВА
Тошкент шаҳри

Ишсизлик нафақаси ишсиз, деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади. Ишсиз шахснинг нафақа олиш ҳуқуқи у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади. Ишсиз шахснинг нафақа олиш ҳуқуқи у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб кечи билан ўн биринчи кундан эътиборан кучга киради.

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 65-моддаси 2-бандига кўрсатилишича, ишсизлик нафақаси кўпи билан ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календар ҳафта, иагари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса ўн уч календар ҳафта мобайнида тўланади.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтиши керак. Ишсизлик нафақасининг миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

* * *

Ортиқча тўланган иш ҳақи қандай ундириб олинади?

З. ҚАРШИЕВ
Андижон

Иш берувчи томонидан ихтиёрий равишда тўланган, шу жумладан қонунни нотўғри қўллаш оқибатида тўланган ортиқча иш ҳақи қайта ундириб олиниши мумкин эмас, ҳисоб-китобда йўл қўйилган хато оқибатидаги ортиқча тўловлар бундан мустасно.

Ходимга у берган ёлғон маълумотлари ёки тақдим этган сохта ҳужжатлари оқибатида тўланган суммалар ундан суднинг қарори ёки ҳукми асосида ундириб олинади.

Саволларга-жавобларни Республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази бўлим бошлиғи М.БОЛЛИЕВА тайёрлади.

Дарддан дариғ бўлинг

БЕДАВОМАС, ШИФОСИ БОР

Буқоқ касаллигига чалинган кишилар тушкунликка тушмасалар ҳам бўлади. Замонавий тиббиётимиз ҳозирги кунда уни даволашга қодир. Халқ табобати ҳам буқоқ дардини қадимий тажриба, муолажаларга суяниб даволанишни йўлга қўймоқда.

Албатта, аввало буқоқ касалига чалинмаслик ва унинг олдини олиш зарур. Бунинг биринчи талаби тозаликка риоя этмоқликдир. «Агар чанг ва губор бўлмаганида инсон минг йил яшарди» деганларида донишмандларимизнинг нақадар ҳақлиги мазкур дардга ҳам тааллуқлидир.

Буқоқ касаллигининг олдини олиш, унга чалинмаслик учун аввало озодалик билан таркибида йод моддаси бўлган доривор ўсимликлар ва меваларни тез-тез истеъмол қилиб туриш лозим. Хусусан, ёнғоқ мағзини еб туриш, уни гўра пайтида мураббо қилиб тайёрлаб истеъмол қилиш, пўстлоғи ва баргини қайнатиб ичиш фойдалидир. Хурма ва ундан тайёрланган мураббо ҳам бу касалликка шифо бағишлайди. Шунингдек, қон чўп (чистотель) ўсимлиги ҳам бу касалликка фойдалиги тажрибада исботланган. Бу доривор ўсимлик ва мевалар табиий ҳолда тановвул қилинса нафи кўпроқ. Лекин уларни билиб, мутахассислар маслаҳати асосида тайёрлаб кейин истеъмол қилинса янада маъқул ва мувофиқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан ушбу касалликка қарши бўлган шифобахш ўсимликлардан баъзиларини тавсия қиламиз: (Баргизуб - унинг барги, илдизи, меваси), турп уруғи, Эрон арпа бодиёни, денгиз карами ва куртаги, Эрмон барги, олмурт - (унинг толқони), чилон- жийда, чаёнўт, ялпиз, тоғ райҳони билан қориштирилиб тайёрланган дори шифо бахшдир. Уларни қай даражада истеъмол қилиш, беморнинг қай даражада хасталанганлигига қараб белгиланади. Бу касалликнинг асосий келиб чиқишига сабаб бўладиган ош тузи бўлиб, ундан мсъёрини билиб фойдаланишни тавсия этамиз. Шу билан бирга, ош тузини лабораторияга кўригидан ўтганлигини албатта сўраб-суриштиринг. Сабаби баъзи «ишбилармонлар» ош тузларини қаерлардандир келтириб, хеч қандай кўриксиз, назоратсиз сотувга чиқариб қўйиши мумкин.

Ушбу касалликни даволаш воситаси бўлган шифобахш гиёҳларни қандай шароитда етиштирилганига ҳам эътибор бериш керак. Чунки баъзи кимсалар уларни ўстиришда ҳар хил воситалардан фойдаланишмоқдалар. Турли минерал воситалар асосида «кўлбола»ни қилиб етиштирилган ўсимликларнинг беморга нафидан кўра зиёни кўпроқ бўлади. Ўсимлик ўзининг табиийлиги билан шифобахш ҳисобланади. Тўғри, уни ҳовлиларда, махсус жойларда ўстириш мумкин. Лекин уларни парвариш қилишда ҳеч қандай воситачи озуқа воситаларини ишлатиш тавсия этилмайди.

Бир сўз билан айтганда табиб ёки шифокор кўригидан ўтган табиий дори бўлиб, шифобахш гиёҳлардан фойдаланишни тавсия этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, сидқидилдан, газетхонларимизга айтиб қўяй, тиббиёт ва табобат ўсимликлари тўғрисида, улардан мулоҳаза воситаси сифатида фойдаланиш юзасидан маслаҳат ва тавсияларга эҳтиёж туғилса, саволлик учун бехавотир, холис, баҳолилар қудрат билан беришга тайёрман.

Шовоҳид ШОМАҲМУДОВ,
халқ табиби.

Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани Сайхун шаҳарчаси фуқаролар йиғини Шодлик ва Турон маҳаллаларини бирлаштирган. Бу ерда турли миллат вакилларидан иборат 5,5 минг аҳоли тотувликда яшайди. Шаҳарча фуқаролар йиғинига Уммат Яқубов (суратда чапда) 12 йилдан буён раислик қилади. Ҳар икки маҳалла оқсоқоллари - Усмон Очилов ва Абдуғаффор Рўзимовлар унга маслакдош ва ҳар ишда ҳамкорлар.

Н.АЛМУРОДОВ
олган сурат.

СИЗНИ УНУТМАДИК, НАРЗИ бобо!

Ёдинома

Туман ҳарбий комиссари ҳузурига ўрта бўй, қорачалан келган, кулча бетли, навниҳол йигит кирди.

- Армияга жўнатишингизни сўрайман, - деди у қатъий оҳангда.

- Шундайми, олбо сен-ей, - мийиғида жилмайиб деди майор унга бошдан-оёқ разм солар экан. - Қайси қишлоқдансан?

- Кўчкак қишлоғидан.

- Ёшинг нечада?

- Ўн еттига тўлганман.

- Тўлгансан? Неча ой кам?

- Икки ой.

- Ҳали эрта, - деди майор.

- Қишлоқдаги тенгдошларимдан бештаси армия сафида хизмат қилишмоқда. Мен ҳам кетаман. Сўзимдан қайтмайман!

- Гап бундай, Нарзи Қодиров, ўйлаб кўрамиз. Лозим топсак ўзим чақиртираман.

Ўшанда минг тўққиз юз қирқинчи йилнинг август ойи эди. Ўшандан кейин ҳам у икки марта ҳарбий комиссарга учрашиб, аскарликка жўнатишни сўради. Ниҳоят, армия сафига кузатиб қўйилаётган ўттиз нафар юртдошлари орасига эндигина мўйлови сабза урган Нарзи Қодиров қўшилди. Ҳарбий хизмат Москва остонаcларидан бошланди.

Нарзи қисм командири топшириқларини аъло даражада бажариб, дастлаб кичик, сўнг катта сержант унвонини олди.

Н.Қодировнинг Москва остонаcларидан бошланган ҳарбий «юриши» Берлингача давом этди.

Ўзи туғилиб ўсган Бойсундаги Кўчкак қишлогига у жанглардан ғолиб бўлиб қайтди. Тинчтотув ҳаёт кечирди. Саккиз нафар ўғил, тўрт қизга ота бўлди. Фарзандлари қалбига ҳам ўзидаги жамики яхши хислатларни, Ватанга муҳаббат туйғусини сингдира олди, уларни эл корига ярайдиган лочинлар қаторига қўшди. Нормамат, Чори, Ражаб, Раҳматиллолар Кўчкак қишлоғинингтина эмас, балки Бойсуннинг обрўли, иззат-икромли одамлари қаторидан ўрин олди.

Қўрқув билмас собиқ жангчи Нарзи Қодиров ҳаёт бўлганида бу йил саксон ёшга кирарди. Ўлим ҳамиша ҳақ. Лекин кишининг эл аро қолдирган яхши номи, абадийлаштириши ҳам айни ҳақиқат. Зеро, Нарзи ака Қодировнинг порлоқ хотираси дўстлари, сафдошлари, юздан ортиқ невара-эваралари қалбида, ейда экинлари бу ҳақиқатнинг исботидир.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

БАХТ БИЛАН УЧРАШУВ

Бир дунё бойлик

(Аввали 1-бетда.)

- Шариф бобо, Соатгинам деб кимни айтаяпсиз?-дея сўрайман.

- Келин-куёвларни гоҳида қулдириб, гоҳида уялтириб, саволлар берадиган ўғлим-да, нима, танимайсизми уни? - бобо истейдил жавоб берадилар. - У ҳам сиздек Тошкентда туради...

- Э, Соатжон менинг ўғли, денг, таниймaн уни, таниман...

- Булар нимани билишарди, - дея фарзандлари томонга ишора қилдилар, - бошлаган йилиган кун мен учун тўй-да! Тўй деган бундан ортиқ бўладими? Бугун ҳаммаси келолмади, кўриб турганларингиз ярмисининг ярмиси.

- Ҳавас қилса, астойдил талпинса, Оллоҳ берар экан,

болам, шукр..., - Шариф бобо жуда оҳиста, гўё ўз-ўзларига гапираётгандек сўзлайдилар. Ахир, 96 ёш ҳазилакам умр эмас. Бунинг устига Шариф ота умрини дала-даштда меҳнат билан ўтказди. Фарзандлар тарбияси - уларга ҳалол луқма топиш, едириш, кийинтириш заҳмати...

Бугун Шариф бобонинг бир дунё бойлиги бор. Бугун Шариф бобонинг топган-тутган бир дунё бойлиги сиғмайди: 6 ўғил, 3 қиз, 50 га яқин невара, 10 га яқин чевара бор. Бир ҳовлига сиғмай мамлакатимиз бўйлаб Шариф бобонинг номини эъзозлаб, шарафга буркаб, турли соҳаларда хизмат қилишмоқдалар. Бугун устига юртнинг мустақил, тилинг ҳам, дилинг ҳам эркин бўлса!

Олатда, кўпинча «Бахт нима»деб сўрашади. Янглишмасам, шу куни чинакам бахт нима эканини англагандек бўлдим. Бахт билан учрашдим, десам хато бўлмас.

Ҳовли ўртасидаги Турон тутига, Шариф бобога эмдан тикилиб, ажиб бир ҳушаёлик туяман. Шариф бобонинг юздаги ажинлар, қулларидаги узун-узун чизиқлар - ўзига хос қарилик аломатлари тутув неваралар ва чеваралар, уларга қараб турсанг, узоқ тарих, турли воқеа-ҳодисалардан сўзлаётгандек...

Ҳакимбек, Ақал, Неъмат, Соат, Санд, Самандар ва Ҳалима, Раҳима, Роҳила - бугун Шариф бобо эккан, ўстирган бойлик. Бугун чинорлар сафига қўш-қўш неваралар ва чеваралар, чеваралар кўпаяпти.

Ражаббой РАУПОВ.

Хат қутидан топилдик

ДЕҲҚОН БОЗОРИГА ЎРНАШИБ САГАН ЖАЛЛОБНИНГ ЎЗ ЎҒЛИГА АЙТГАНЛАРИ

Ёпишқоқ бўл, ўзни мисли шилликъ қил.
Кел бўёнга, сен ҳам бозорчилик қил.
Турфа турлан, алиф йўқ шул бошинга,
Қийиқ боғлаб деҳқонсифат қилиқ қил.
Майли бўлсин устибошинг янирсиқ,
Қаддинг эгиб, овозингни синиқ қил.
Гўр қўйишу қозон қайнат, нақд бор,
Ҳўрагингни гарчча мою илик қил.
Тош-тарозин ўйнатарда тўғ бўлма,
Харидорга гапу сўзни илиқ қил.
Кўчатларни намакоплатиб тирилтир,
Олмаларни мойлаб артиб силлиқ қил.
Ғарам босиб, бир сўмга ҳам тик тургил,
Қонуниларни бутун сот, ҳам тилик қил.
Бозор тудир: гар кўтарса заматган,
Бирни ўн сўм, ўнни бўлса эллик қил.
Ёза ёзсин, Фазлий келса бошингга,
Сизга арзон, деб кўп олу мириқ қил.

Ғайбиддин ФАЗЛИЕВ,
Ургут тумани.

Яхшилар гулшани

ҚАНОАТНИНГ, РОЗИЛИКНИНГ ТАГИ ОЛТИН

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

Билингки, инсон мукаммал, бутун қилиб яратилган. Агар айб қидираман, кир қидираман, ибо қиламан, фасод қиламан, десангиз топаверасиз. Беш қўл баробар эмас. Кеча бор - кундуз бор, қиш бор - ёз бор, аччиқ бор - ширин бор. Шундай экан яхшиликни кўзлаб, Оллоҳдан эзгуликни сўраб яшаган одам икки дунё саодатига мушарраф бўлади.

Нолиган билан, бировга дарду ҳасратингизни айтганингиз билан, у нима қилиб беради. Яхши одам бўлса ачинади, аҳволинг танг бўлиб қолибди дейди, мунофиқ эса, баттар бўл, дейди. Дўст бўлса, юпатади, лекин қўлидан нима келади. Тўғри, дардлашганда юрак ёзилади, киши енгил тортгандек бўлади. Лекин бир айтасиз, икки айтасиз, нолиганингиз билан фойда чиқмайди. Бир Авлиё фарзандига шундай насиҳат қилган экан. Болам уйингда ейдиган ҳеч нарсанг бўлмаса ҳам, кўчага чиқадиган бўлсанг қорнингга тош боғлаб, юзингни ишқалаб қизартириб, ёғ бўлса мўйлаб, оғизларингни сал мойлаб қорнингни тўқ, ҳозир таом егандек, ҳаётинг гўзал ўтаётгандек очиқ чеҳра билан чиқ. Зеро дардингни ошкор қилганинг, нолиганинг билан фойдаси йўқ. Ўзингга аёнини ҳар куни Худонинг ўзига айтавер. Шуни яхши билгинки, ноумид шайтон, ҳеч қачон ноумид бўлма, совуқнинг иссиғи бор, қоронғунинг кундузи, оғриқнинг роҳати, ғам-кулфатнинг хурсандчилиги бор.

Оллоҳ инсонни ҳеч вақт туз-насибасиз қолдирмайди. Лекин Оллоҳ турли йўллар билан синайди, чидаган ютади. Соф олтин ҳам, ғуборсиз бўлиш учун қанча ёнади, қанча ишловдан ўтади. Инсон ҳам машаққат чекиб, қийинчиликларни бошдан кечириб роҳатга, обрўга, эътиборга эришади.

Эплолмаган, йиқилган, енгилган одам ўзини хорликка, тушкунликка маҳкум этади. Баъзилари имтиҳондан йиқилганини устига, иймонидан ҳам айрилади. Иродасини маҳкам ушлаган, иймони мустаҳкам одам, меҳрибон Оллоҳ мени ўзи асрайди, машаққатдан, дарддан қутқаради, деган умидда бўлади.

Мен бир ҳикоятни қайта-қайта ёдга оламан.

Қадим ўтган замонда бир подшоҳнинг қизи бетоб бўлиб қолипти. Кўп тажрибали табиблар кўрибди-ю, ҳеч, тузалмабди. Аксинча кундан кунга оғирлашиб, мазаси қочгандан-қочаверибди. Шунда подшоҳнинг жаҳли чиқиб, вазирларига дебди:

- Давосини топмасаларингиз ҳаммангизнинг каллангизни оламан!

Шунда бир авлиё инсон келиб, шундай маслаҳат берибди:

- Шоҳим, қизингизга, бирон-бир Оллоҳдан ҳамиша розиман, Парвардигорга ҳеч қандай шикоятим йўқ, Оллоҳга шукур, кўрсатган кунига шукур, дейдиган инсонни топиб, ўшанинг кўйлагини кийгизсангиз, туриб, юриб кетади.

- Осон экан-ку! - деб подшоҳ вазирларига айтилган кишини топиб, кўйлагини олиб келишни буюрибди.

Вазирлар юзга кирган кексалардан сўраб-суриштиришни бошлашибди.

- Ота, юзга кирибсиз, минг ойнинг юзини кўрибсиз, Худодан розидирсиз? - деб сўрашса, у:

- Э, тишларим тушиб кетди, қулоғим яхши эшитмайди, кўзим хира, - дермиш.

- Ота, барибир юз йил яшабсиз, Оллоҳдан розимисиз?

- Кампирим ўлиб кетди. Кампир йўқ...

Шундай қилиб, унисидан сўрашса бундай дермиш, буниси ундай дермиш. Биронтаси шукур демасмиш.

Энди, егани олдида, емагани ортида, кам-кўсти йўқ амирзода, бекзода, бойвачалардан сўрайлик, деб маслаҳатлашиби. Амирзодалардан бирига мурожаат қилишибди:

- Ҳамма нарсангиз бор, пулингиз, давлатингиз, амалингиз...

- Тўғри, аммо ўғлим йўқ, - дермиш.

Бўлмади, деб бошқа-бошқаларидан ҳам сўрашса, ҳеч бири розиман, демабди. Бутун мамлакатда, «Мен розиман!» деган одам топилмабди. Вазирлар ваҳимага тушиб, энди калламиз кетадиган бўлди, деб туришган экан, бир одам эшак миниб ўтиб қолибди. Вазирларни саросимада турганини кўриб, «Тинчликми?» деб сўрабди.

- Йўлингдан қолма!

- Яхши одамлар, нима гап ўзи, йиғлашиб, бир бирларингиз билан хайрлашяпсизлар. Балким фойдам тегиб қолар?

Ўн кундан буён, битта «Худога шукур!» деган одамни тополмаяпмиз, - дебди бири.

- Э, шуми. Ҳў, тепаликдаги капада бир одам бекиниб олиб, эрталабдан кечгача Худога шукур, Худога шукур. Оллоҳ сендан мингдан-минг розиман, деб ётади. Сиз излаган одам, балки ўшадир.

Вазирлар ўша тепаликка югуриб кетишибди.

Чиндан ҳам ҳаммаёғи ўралган кападан овоз эшитилармиш:

- Ё, Оллоҳ одам қилиб яратганингга шукур. Чувалчанг, қурбақа, ҳайвон, ҳашорат қилиб яратганингга нима қилардим. Инсон қилиб яратганингга ҳамдусанолар бўлсин. Сендан розиман, ўзингни танитдинг, танитмаганингда қаердан танирдим, шукур.

Тани-жонимни соғ-саломат қилганингга, ризқимни етказиб турганингга, бало-қазолардан сақлаб турганингга беадад шукур!..

- Майиб-мажруҳ қилиб қўйганингда нима бўларди!.

- Эй, Оллоҳга шукурлар айтаётган зот, бу ёққа чиққин?

- Чиқолмайман!

- Чиқолмасанг кўйлагингни бериб тургин!

- Ўша кўйлагим йўқлигидан чиқолмайман-да...

Вазирлар подшоҳ ҳузурига бориб, бўлган воқеани айтиб беришибди.

- Худога шукур, деб, Худодан розиман, деб ётган одамнинг кўйлаги йўқ эканми, - қайтариб сўрабди подшоҳ.

- Ҳа, ҳа киядиган кўйлаги йўқ экан. Шунда подшоҳнинг миясига урибди:

- Ё, Оллоҳ! Мен подшоҳ бўла туриб, қизимга берган биргина дардинг учун дод-фарёд қилиб ўтирибманми. Дард берган Оллоҳ, ўзинг шифосини ҳам бергин. Оллоҳ, ҳаммасини ўзингга топширдим. Ўзингга энди тавваккал... - дебди.

Шунда қизи ўрнидан туриб, юриб кетибди. Воқеани кузатиб турган Авлиё подшоҳга:

- Шоҳим, қизингизнинг касаллиги, сизнинг ношукурчилигингиз туфайли эди. Сизнинг ўз ҳаётингиз қадрига етмаганингиздан эди, -деган экан.

Ҳа, азизлар, кундалигини кунда топиб юрган бечоралар ҳеч нолимайди. Ошиб-тошиб кетганлар қўпроқ нолийди, ҳаётда. Ётиб еганда, топгани ўн, ўн беш йилга етадиганлар нолийди. Бугун қозони қайнаб, эртага тавваккал, деганлар унча гапирмайди. Беш-олтита уй-жойни қуриб қўйганлар, Луқмони Ҳаким ёшига кираман деганлар фиғон қилиб ётади, энди бу ёғи нима бўларкан, деб.

Эшитгансиз, урушларда одамлар жангга кириб кетаркан, Худо хоҳласа уйимга эсон-омон етиб бораман, Ватанимга қайтиб, уни кўраман, деганлар ниятига етганлар. Ўрмонларда, батқоқ сувларни кечиб юрганда, дарёлар оқизганда, тоғлар ошганда Худо хоҳласа уйимга бораман, уйланаман, Худо фарзандлар беради, деб орзу қилганлар, умиди рўёга айланган.

Баъзан ҳайрон қоласан, афсусланасан киши, ҳамма нарса олдида, Ватанида, уйида туриб, ундай бўляпти, бундай бўляпти деб ношукурчилик қиладиганлар ҳам учрайди. Инсонгарчилик, мусулмончилик қани, қалбингдаги иймоннинг ҳаловати қани?!

Тинчлик, барқарорлик, бунёдкорлик қарор топган замонга, кундан кунга яхшиланиб бораётган ҳаётга қараб, қувонасан киши. Оллоҳга шукур, ортиқча ташвишлардан холи ҳаёт, эркин-эмин дининг эътиқоддан бахрамандмиз. Ойнаи жаҳонда кўриб турибмиз, бўлаётган нотинчликларни, табиий офатларни. Оллоҳ ўшандай балолардан асрасин.

Оллоҳга шукроналар айтиб, Оллоҳдан сўрайлик, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин.

Алломалар юртидан

АБУ АЛ-МУЪЙИН АН-НАСАФИЙ ВА УНИНГ АСАРЛАРИ ҲАҚИДА

Убайдулла УВАТОВ

Туркистон азал-азалдан илму фан, маданият, зиё ва маърифат маскани сифатида машҳур бўлган. Бу табаррук заминдан етишиб чиққан алломаларнинг саноғига етиш қийин. Жумладан, бугун бизга маълум бўлишича, Насаф ҳуфғи Қарши шаҳридан бўлган алломаларимиз ҳам анчагина бўлиб, улар Насафий таҳаллусини ўзларига олиб ижод қилишган.

. 1998 йилда бир гуруҳ олимлар Туркия, Сурия, Иордания ва Миср каби мамлакатларда илмий сафарда бўлиб қайтгандик. Уч ҳафталик бу сафаримиз давомида асосий мақсад - Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний даврига, улар ҳаёти, илмий меросига оид турли-туман маълумотлар тўплаш билан бир вақтда диёримиздан чиққан бошқа олимлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш эди. Масалага шу нуқтаи назардан' қараганда, суриялик таниқли олим - доктор Валийуддин Муҳаммад Солиҳ ал-Фарфур жаноблари билан мулоқотимиз ғоятда фойдали бўлди. Доктор Солиҳ ал-Фарфур асосан Ўрта асрларда яшаган мовароуннаҳрлик олимларнинг ҳаёти ва асарларини ўрганар экан. Суҳбат чоғида бундан атиги бир неча ой муқаддам калом илмининг йирик намояндаси, насафлик машҳур олим Абу ал-Муъийн ан-Насафийнинг «Баҳрул-калом» («Калом (илми)да денгиз») номли асарининг танқидий нашрини тайёрлаб чоп эттирганини айтиб, ушбу китобдан илмий сафар аъзоларига ҳадя қилди. Абу ал-Муъийн ан-Насафий мероси ҳақида биз ҳозиргача ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдик. Шу боис доктор Солиҳ ал-Фарфур тадқиқотига таянган ҳолда, энг аввало, Абу ал-Муъийн ан-Насафий ва унинг «Баҳрул Калом» асари ва бошқа асарлари ҳақида баъзи маълумотларни беришни лозим топдик.

Калом илмининг бир қанча йўналишлари бўлиб, улардан ал-ашъарийя ва алмотрудийя йўналишлари ғоятда кенг тарқалган. Ан-Насафий ал-ашъарийя мактабининг асосчиси бағдодлик олим Абул Ҳасан ал-Ашъарий (873-935), алмотуридийя мактабининг асосчиси Самарқандлик таниқли олим Абу Мансур ал-Мотуридий (870-944) Таълимотларидан сабоқ олган. Асосан ал-мотуридийя мактабига мансуб имом ал-Ғаззолийнинг маслагига амал қилган олимлардан ҳисобланади. Ўз навбатида ал-Ийжий (1355 йилда вафот этган), Саъдуддин ат-Тафтазоний (вафоти 1390 йил) ва бошқа кўплаб таниқли олимлар ан- Насафий таълимотига таянган ҳолда фаолият кўрсатиб, калом илмида йирик олимлар даражасига кўтарилганлар.

Абу ал-Муъийн ан-Насафий номи билан машҳур бўлган алломанинг тўлиқ исми Маймун ибн Муҳаммад ибн Муътамид ибн Мақҳул бўлиб, у 1027 йилда Насаф (Қарши)-да таваллуд топган. Узоқ йиллар Бухоро ва Самарқандда яшаб ижод қилган. У ҳақда айрим маълумотлар насафлик бошқа бир олим- Умар ибн Муҳаммад ан- Насафийнинг «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд («Самарқанд олимлари зикрида қанддек (ширин) китоб») номли асарида келтирилган. Унинг ёзишича, «Шарқу ғарбнинг олиму уламолари Абу ал-Муъийн ан-Насафий илмининг денгизидин баҳра топиб, ул таратғон зиё нурларини кўзларига тутиё қилиб сўртганлар». Аллома 1114 йили - 87 ёшида Самарқандда вафот этган.

Манбаларда келтирилишича, ан-Насафий ўн бешга яқин асар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти калом илмининг турли масалаларига бағишланган. Ан-Насафийнинг илм-фаннинг турли соҳаларига оид яъни «Ал-Уъмда фи усул ал-фиқҳ», «Баҳр ал-калом фи илм ал-калом», «Табсират ал-адиллати фи илм ал-калом», Ат-Тамҳид ли-қаваъид ат-тавҳид фи илм ал-калом», «Ал-Олим вал-мутаъаллим», «Ийзоҳ ал-маҳажатий ли-ковн ал-ақл ҳужжатан», «Шарҳ ал-Жомиъ ал-Кабир лиш-Шайбоний фи фуруъ», «Маноҳиж ал-аиммати фил фуруъ», «Муътакидот» (алломанинг айнан шу асаридан бир қўлёзма Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланади. Араб тилида ёзилган ушбу асар 52 варақдан иборат) каби асарларни ёзган.

Алломанинг «Баҳр ал-калом» асари алоҳида аҳамиятга эгадир. Асардаги айрим маълумотлар ҳақида фикр юритамиз. «Баҳр ал-калом»нинг олтинчи бобидаги биринчи фасл (бўлим) тўрт банддан иборат бўлиб улардан биринчиси «ал-Имомат» («Имомликка оид») деб аталган. Мана шу бандда келтирилган Пайғамбар Алайҳиссаломнинг икки ҳадиси катта илмий аҳамиятга эга. Биринчиси: «Иқтаду биллазийна мин баъдий Абу Бакр ва Умар» (бу ҳадисларни имом ат-Термизий, имом ибн Можа, Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа бир қанча муҳаддислар ўз асарларида ривоят қилганлар.) «Мендан кейин Абу Бакр ва Умарга иқтидо қилинглар» деган бўлишига қарамай халифалик устида икки кун баҳс бўлган. Иккинчи ҳадис: «Мендан кейин Халифалик ўттиз йил, ундан кейин амирлик, подшоҳлик ва ҳакозолар бўлади» деган фикрлари нақадар тўғрилигини алоҳида қайд қилиш зарур. Чиндан ҳам бу муддат (яъни ўттиз йил) чорёрлар пайтида тугаган. Ҳозирги вақтда «Халифалик»ни орзу қилиб юрган баъзи кимсалар учун ҳам Пайғамбаримизнинг бу ҳадислари асосли жавобдир. Бу китоб калом илми бўйича ал-Мотурудийя мактабининг асосийларидан бири ҳисобланади. Чунончи: бу асар ашшайх Абу Мансур ал-Мотурудий асос солган исломий ақиданинг энг бош манбаларидан саналади. Айниқса, ислом динида турли-туман оқимлар ва таълимотлар яратилаётган ҳозирги пайтда бу асарнинг илмий ва амалий аҳамияти беқиёс даражада каттадир. Асарнинг қўлёзмаларидан бири Дубайдаги Жумъа ал-Можид номли маданият ва мерос марказида (766 -рақамдаги бу қўлёзма 1167 ҳижрий йилда кўчирилган) иккинчиси, Дамашқдаги аз-Зоҳирия кутубхонасининг қўлёзмалар бўлимида (4970-рақам остида), учинчиси Бағдоддаги «Мактабат ал-Авқоф»да (4365-рақамда), тўртинчиси Қоҳирадаги машҳур «Дор ул-кутуб»нинг (113-рақамида) қўлёзмалар бўлимида сақланади. Ушбу қўлёзманинг 950 ҳижрий йилда оддий хат билан кўчирилган бир нусхаси Искандариянинг (Миср) «Мактабат ал-баладиййа» номли кутубхонасида (2109-рақамда) ҳам бор. Асар муҳим манба сифатида икки марта нашр ҳам этилган. Жумладан, 1886 йили Бағдодда, 1908 йили Қоҳирада чоп этилган. Лекин ушбу нашрлар тадқиқотсиз амалга оширилган бўлиб, фақат асар матнидан иборат.

«Баҳр ул-калом»га айрим шарҳлар ҳам битилган. Жумладан, олим Бадруддин Ҳасан ибн Абу Бакр Аҳмад ал-Мақдисий (1415 йили вафот этган) асарга бағишлаган шарҳини «Ғоят ал-маром фи шарҳи «Баҳр ал-калом» деб атаган. Бу шарҳнинг бир қўлёзмаси Қоҳирадаги «Дор ул-кутуб» (123-рақам)да, бошқаси (1118 ҳижрий йилда кўчирилган бу қўлёзма 2368-рақами остида) Мисрдаги «ал-Мактабат ал- Хадйавайа»да сақланади. Таниқли араб олими Ҳожи Халифа ўзининг машҳур «Кашфуз зунун» асарида «Баҳр ул-калом»га ёзилган фақат шу шарҳ ҳақида зикр қилган, холос. Сирасини айтганда, буюк ватандошимиз Абу ал-Муъийн ан-Насафий ҳаёти ва унинг меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш маданиятимиз тарихини ёритишда катта аҳамиятга эгадир.

ОЛАМ-ТУРФА

ГЎНГДАН ЭНЕРГИЯ

Америкалик олимлар энергиянинг муқобил манбаини топишган кўринади.

Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра битта қорамолдан бир йилда чиққан гўнг табиий равишда ачиши натижасида 50 кг метан гази ҳосил қилар экан. Бу рақамни ер шаридаги мавжуд қорамоллар сонига кўпайтирсак у ҳолда 63 млн. тонна газ ҳосил қилувчи иссиқлик пайдо бўлади, деб ёзади Франциянинг «Пуркда па» журнали. Шу ҳолатга эътиборни қаратиб ҳамда метан гази юқори калорийга эга эканлигини ва у ёнганидан кейин зарарли чиқинди қолдирмаслигини таъкидлаган. Чикаго университетининг олимлари мол гўнги ўзига хос энергия манбаи бўлади деб ҳисобламоқдалар.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БЎЛМАГАЧ...

ГФРда ҳар куни икки нафар немис ўз хоҳиши билан ҳаётдан хайрлашмоқда.

25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтган йили 779 марта ўз жонига қасд қилиш ҳолати ҳисобга олинган. Бу рақам полиция назоратига тушганлари ҳолос. Ҳисобга олинмай қолганлари бундан 10-20 марта ортиқ.

Хўш, нима сабабдан шундай ҳоллар рўй бермоқда? Маълум бўлишича, ушбу фожеанинг боиси оила ва мактабдаги ўзаро муносабатлар, мактабни тугаллайдиган ёшларни иш топа олмасликларидир. Ҳозир келажагига ишонмайдиган бундай ёшлар орасида жонларига қасд қилишнинг янги формаси - наркотик дориларни кўп дозада қабул қилиш ва ҳалокатга олиб борувчи мотоцикл пойгалари кенг тарқалган.

ҚУВОНЧ КЕЛТИРГАН ЗАРБА

24 ёшли янги зеландиялик кўзи ожиз Лиза Рейдни кўриш қобилияти қисман тикланди.

Бундан ўн йил аввал унинг миясидаги шиш операция қилингандан кейин у кўрмай қолган эди. Лиза оёғи остидаги кучукни силайман деб бошини столга уриб олгани унга бир олам қувонч, туганмас бахт ато этди... Сирасини айтганда, буюк ватандошимиз Абу ал-Муъийн ан-Насафий ҳаёти ва унинг меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш маданиятимиз тарихини ёритишда катта аҳамиятга эгадир.

Ўша сизми?

АНДИЖОНЛИК АКАДАН, ТОШКЕНТЛИК СИНГИЛГА...

Олтмишинчи йилларнинг бошлари, ёш навқирон йигитман. Институтни битириб қишлоқдаги мактабда дарс берардим. Андижондаги темир йўл бекати ошхонаси пазандалари ажойиб лағмон қилишарди. Баъзида ҳамқишлоқларим билан 30 чақирим йўл босиб, шу ерга лағмонхўрликка келардик.

Бир куни лағмон олиб, бошқа ўрин топа олмай, овқатланаётган бир қизнинг ёнига ўтирдим.

Қиз жуда чиройли, нари борса 18-19 ёшлар чамасида эди.

У ҳали овқатини ичиб улгурмаган, кайфияти йўқ, хомуш, хўрсиниб-хўрсиниб ўтирарди. Мен ҳол сўраган эдим, пиққиллаб йиғлаб юборди. Менинг ҳам иштаҳам бўғилди.

- Нега йиғлайсиз, айтинг ёрдамлашай, - дедим.

- Тошкентликман ака, имтиҳондан ўта олмадим.

- Шунга шунчами? Бу йил ўтолмасангиз, янаги йилда ўтарсиз.

- Пулимни олиб қўйишибди, лағмонга тўлайман десам...

Хуллас, Тошкентгача чипта, бирон егуликлар олиб қизнинг қўлига тутқаздим. Поезд жўнаши олдидан «Манзилингизни айтинг ака, пулингизни жўнатаман», деб ўтинди меҳмон қиз. Қайсидир ёзувчининг ҳикоясидагидай қилиб катта қишлоқдаги Қодиржон акамга деб жўнатинг, дегунумча поезд ўрнидан қўзғалди. Қиз вагонга кирар экан, «Хайр ака, отим Гўзал, мени унутманг», деди.

Орадан анча йиллар ўтди. Иш билан набирамни етаклаб Тошкентнинг Бўзсув маҳалласига кўчиб кетган синглимникига бордим. Уникида бир неча кун меҳмон бўлганимдан кейин автобусга ўтириб вокзалга жўнадим. Иттифоқо автобус ҳеч қанча юрмай бузилиб қолди. Шунча қўл кўтараман машиналар тўхтаса-чи. Поезд билети қўлимда, кеч қоляпман.

Бирдан Бўзсув томонга бўш кетаётган такси йўлдан қайтди-ю, ёнимга келди, ҳайдовчи эшигини очиб, чиқинг амаки, деди. Ҳайдовчи ёшгина келишган йигит экан.

- Дўппингиздан таниб қолдим. Андижонликсиз, шунга қайтиб келдим.

Раҳмат айтиб, поезддан кеч қолаётганимни тушунтирдим. Такси Жанубий вокзалга келиб тўхтади. Ҳайдовчи йўлкирани олмади.

— Жон амаки, ойим андижонликлардан пул олмагин, - деганлар.

Таксичи йигит билан тортишиб ўтирмадим-да, юкхонага югурдим. Чунки поезднинг жўнашига саноқли дақиқалар қолган эди. Жойимга ўрнашиб, бўлганимча ҳам йўқ эди, қўлида газетага ўроғлиқ нарса билан таксичи йигит олдимга келди.

- Амакижон, шошилиб ҳеч нарса ололмадингиз йўлда еб кетинг. Андижонлик бўлсангиз, ойимни катта қишлоқлик Қодиржон акасини топишга ёрдам беринг, у кишини ўттиз йилдан буён ишлайдилар. Отим Ҳумоюн. Поезд юра бошлади.

- Ҳумоюнжон, - дедим юриб кетаётган поезддан туриб, - Гўзалхонга катта қишлоқлик акасидан салом айтинг.

Йигит гапимни эшитдими йўқми, қўлини кўксига қўйиб табассум билан кузатиб қолди.

Шундай қилиб, тошкентлик синглимни иккинчи бор йўқотиб қўйдим. Қирқ йил муқаддам Андижон темир йўл бекатида Гўзалхонга аниқ манзилимни айтишга истиҳола қилган бўлсам керак. Лекин нега Тошкент вокзалида Ҳумоюн билан бамайлихотир гаплашмадим, ҳайронман.

Хуллас, одам дегани бамисоли тақдирнинг ўйинчоғи экан. Гўзалхон синглим, арзимаган эътиборим, менинг ўрнимда ҳар ким ҳам қилиши мумкин бўлган одамгарчилигим учун шунча йил дуоимни қилибсиз, раҳмат. Тақдир бўлса, учрашармиз.

Қодиржон ХОЛМИРЗАЕВ,
Андижон вилояти,
Избоскан тумани
Янгиқишлоқ қишлоғи.

ЭЪЛОН

ИШ ҚЎДИРГАНГА ИШ

Шайхонтоҳур туман ҳокимияти ва меҳнат бўлими томонидан 2001 йил 20 апрел куни соат 9.00 дан 13.00 гача «Хадра» майдони (Цирк биноси қаршиси)да бўш ишчи ўринлари ҳудудий Меҳнат Ярмаркаси ўтказилади.

Меҳнат Ярмаркасига туман маҳаллаларининг банд бўлмаган ёшлари ҳамда маҳалла фаоллари таклиф этиладилар.

Мана, сизга олам-олам...

А. ҲАКИМОВ чизган расм

1999 йилда Тошкент вилояти Калинин тумани 3.Зокирова номли 25-мактаб томонидан НАЗАРОВА ЗУЛФИЯ РАҲИМОВНАга берилган АУ 291474 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги ШАҲОДАТНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

БОШҚОТИР...



ЭНИГА: 2. Рўзғор буюми. 4. Таъм. 6. Билим манбаи. 9. Коинот жисми. 10. Табиат ҳодисаси. 11. Темиртан. 12. Базмларда ичилади. 13. Чорва озуқаси. 15. Қишлоқ хўжалиги техника асбоби. 17. Пул бирлиги. 19. Қўрқмас. 21. Хамирли таом. 22. Билим даражаси. 23. Тўшама. 25. Сувчи. 27. Театрда бўлади. 29. Мева. 32. Ватан қўриқчиси. 33. Диндор. 34. Бирлашма. 35. Қўчирма. 36. Олди-сотди. 38. Ёритгич. 40. Ўтмиш. 42. Оёқ қисми. 44. Ўзбек уруғларидан бири. 45. Шоир ва давлат арбоби. 46. Узоқ. 48. Сўз. 50. Тақинчоқ. 52. Илиб олади. 55. Удум. 56. Ранг. 57. Тилланинг укаси. 58. Палакли экин. 59. Таом. 61. Фасл. 63. Таъм. 65. Қишда бўлади. 67. Ўтмиш ота-боболар. 68. Қизлар сочига тақади. 69. Бир ўзи бир лашкарга бас келган. 71. Ҳафта куни. 73. Қопқон. 75. Пахта уруғи. 78. Касал. 79. Ўзбек матоси. 80. Билимли. 81. Одам ўлдирган. 82. Бўлак. 84. Намуна. 86. Одтин. 88. Европадаги шаҳар. 90. Цирк саҳнаси. 91. Сув ҳайвони. 92. Сурхондарёдаги туман. 94. Ака-укаларнинг хотинлари. 86. Ҳузур. 98. Бузуқ. 101.Татарча қизлар исми. 102. Рахна. 103. Тансиқ таом. 104. Шох ёрдамчиси. 105. Тонг. 106. Галла пояси. 107. Сув иншооти. 108. Тоғ меваси. 109. Аёллар бош кийими. 110. Йўл кира тўлови. 111. Ёввойи сигир.

БЎЙИГА: 1. Ўсимлик қисми. 2. Савобнинг тескариси. 3. Зарур. 4. Осиёдаги давлат. 5. Қизлар исми. 6. Қашқадарёдаги туман. 7. ...Бойқобилов. 8. Нафис. 13. Бош кийими. 14. Сабрли. 15. Дарахт. 16. Атама. 17. Европача қизлар исми. 18. Татарча болалар исми. 19. Нон тури. 20. Дурадгор асбоби. 24. Дин. 25. Ҳикматли сўзлар. 26. Абадий. 27. Кимёвий модда. 28. Тоғ ҳайвони. 29. Кимёвий модда. 30. Девор қобиғи. 31. Ишонч. 36. Инсон. 37. Саноқ сон. 38. Қизлар исми. 39. Рўзғор буюми. 40. Зирапча. 41. Макр. 42. Рўзғор буюми. 43. Тўппонча русуми. 47. Дарс. 48. Кийим қисми. 49. Кўмак. 50. Тоза, соф. 51. Нон тури. 52. Осиёдаги дарё. 53. Палакли экин. 54. Табиат ҳодисаси. 59. Яхшилик учун мукофот. 60. Афсонавий маҳлуқ. 61. Портловчи модда. 62. Бошқотирма. 63. Теварак. 64. Ранг. 65. Вафодор. 66. Уруш тактикаси. 70. Баъзи мамлакатларда давлатни бошқарув органи. 71. Гиламча. 72. Қизлар исми. 73. Сўров. 74. Мол боғланади. 75. Ёзнинг энг иссиқ палласи. 76. Болалар исми. 77. Истак. 82. Нон тури. 83. Транспорт тури. 84. Эртадан сўнг. 85. Пардоз буюми. 86. Кимёвий модда. 87....Чехов. 88. Касаллик. 89. Қузатувчи. 93. Табиат ҳодисаси. 94. Киночилар мукофоти. 95. Кичкина дарахт. 96. Тоғ ўсимлиги. 97. Оғирлик ўлчов бирлиги. 98. Бир томонга эниш, паст. 99. Тил. 100. Яширин.

Тузувчи:
Нуриддин ИБРАГИМОВ

МУЗЛАТКИЧДАН ТОПИЛДИ

«Кода» информацион агентлигининг маълумотига кўра бу воқеа Чимкентдаги оилаларнинг бирида рўй берган.

Тўққиз яшар ўғилларини устидан қулфлаб уй юмушлари билан кўчага чиқиб келган ота-она хоналарда болалари йўқолишидан ҳайрон бўлиб ҳаммаёқни қидиришди. Ҳамма нарса жой-жойидаки бироқ ўғил кўринмасди. Қўққисдан музлаткични очишса ўғиллари ўша ерда экан. Бироқ у қимирламасди... У музлаб ўлиб қолган эди. Дастлабки экспертизанинг хулосаси шундай бўлди. Тахминга кўра бола ўйин қилиб музлаткичга киргану эшик ёпилгач уни очолмай қолган.

MAHALLA га

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

обуна бўлиш учун ҳеч қачон эрта ҳам, кеч ҳам деб ўйламанг.

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Саҳифаловчилар:
А. ЮЛДАШЕВ
Д. БЕКМУРОДОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-1037

Топширилди—20.30